# O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

№96-97 (649-650)
2022 йил 8 декабрь, пайшанба

uzbunyodkor
t.me/uzbunyodkor
info@uzbunyodkor.uz

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.


# 8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни мамлакатимиз ҳаётидаги улуғ тарихий сана – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 30 йиллик байрами билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан танлаб олинган ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиб келаётган Асосий қонунимизнинг миллий тараққиётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида, ғоят оғир ва мураккаб бир шароитда қабул қилинган Конституциямиз берган ҳуқуқ ва имкониятлар туфайли эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан ўтган даврда ҳаётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритдик.

Ана шундай мустаҳкам ҳуқуқий асосга таяниб, кейинги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли демократик ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда.

Энг муҳими, ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг мазмуни, ватандошларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши тубдан ўзгармоқда. Юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, миллати, тили ва динидан қатъи назар, жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, ўз тақдирининг чинакам эгаси, мамлакатимиздаги барча ўзгариш ва янгиланишларга ўзини нафақат дахлдор, балки бу жараёнларнинг бевосита иштирокчиси, эркин ва бунёдкор инсон сифатида ҳис этмоқда.

Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қонуний кафолати бўлган, биз учун озод ва обод ҳаёт қуриш йўлини очиб берган Конституциямиз билан шу боис ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак, арзийди, албатта.

Муҳтарам дўстлар!

Дунё миқёсида “Янги Ўзбекистон” деган ибора пайдо бўлиб, Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузи ва обрў-эътибори тобора ортиб бормоқда.

Барчангиз хабардорсиз, шу кунларда мамлакатимизда Асосий қонунимизга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳокамалар давом этмоқда. Ушбу конституциявий ислоҳотларни Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мазмуни ва мантиғи, халқимиз билдираётган талаб, истак ва таклифлар, мухтасар айтганда, шиддат билан ўзгараётган давранинг ўзи тақозо этмоқда.

Шу сабабли ҳозирги вақтда **“Инсон – жамият – давлат”** деган тамойилни Конституциямиз ва қонунларимизга, кундалик ҳаётимизга чуқур сингдиришимиз зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлаш, инсон қадрини улуғлаш бу борадаги ислоҳотларимиз марказига олиб чиқилмоқда.

Жумладан, ижтимоий давлат тамойили, оила институтининг конституциявий асосларини мустаҳкамлаш, кекса авлод вакилларини, ногиронларни ишончли ҳимоя қилиш, хотин-қизлар ва ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, таълим ва илм-фан, маданиятни ривожлантириш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш, экологик мувозанатни сақлаш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда маҳалланинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш каби кўплаб принципиал аҳамиятга эга масалалар Асосий қонунимизда муҳрлаб қўйилмоқда.

Бу жараёнда сиз, азиз ватандошларимиз – турли касб ва ижтимоий гуруҳга мансуб фуқароларимиз томонидан билдирилган барча таклиф, фикр ва мулоҳазалар албатта инобатга олинади ва Конституция лойиҳаси умумхалқ референдумига олиб чиқилади.

Айни шу асосда Бош қонунимиз чинакам халқ Қомуси, чинакам халқ Конституцияси бўлади.

Ҳурматли юртдошлар!

Пандемия шароитига қарамасдан, мамлакатимизда меҳнат жамоаларида, маҳалла ва таълим масканларида, хонадонларда Конституция байрами, эҳтиёт чораларига амал қилган ҳолда, кўтаринки руҳда нишонланмоқда.

Биз яқинлашиб келаётган янги – 2023 йил учун улкан дастур ва режаларни тузмоқдамиз. Конституциямизда белгилаб олаётган эзгу мақсадларни рўёбга чиқариш, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш, янги уй-жойлар барпо этиш, иш ўринларини кўпайтириш бўйича катта-катта вазифалар бу дастурларда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.

Ишончим комилки, барчамиз бир тану бир жон бўлиб, фидокорона меҳнат қилиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга албатта эришамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Сизларни, бутун халқимизни Конституциямизнинг қутлуғ байрами билан яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, оилавий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Халқимиз тинч, юртимиз омон бўлсин!

Барчамизни Яратганнинг ўзи паноҳида асрасин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**




*“Yangi O‘zbekistonni barpo etish maqsadida boshlagan barcha islohotlarimiz har birimizning bugun va kelajakda farovon hayot kechirishimizni ta‘minlashga qaratilgan”.*

*Shavkat MIRZIYOYEV.*

## ЕР ОСТИ СУВЛАРИ МУҲОФАЗАСИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдимоти билан танишди.

Ер ости сувлари табиат ва аҳоли учун энг зарур чучук сув манбаларидан бири. Ундан тартибсиз фойдаланиш оқибатида кўп жойларда ер ости суви камайиб кетмоқда. Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг айрим ҳудудларида унинг сатҳи 5 метргача пасайиб кетган.

Шунга қарамай, жойларда рухсатсиз қудуқлар бурғилаш, ер ости сувларидан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланиш ҳамон давом этмоқда. Шу боис Президентимиз кўрсатмасига мувофиқ, ер ости сувлари муҳофазасини кучайтириш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Унга кўра, ер ости сувининг сатҳи 5 метрдан зиёд пасайган ҳудудларда қудуқлар бурғилаш ва ер ости сувларидан фойдаланишга мораторий жорий қилинади.

Ҳозирги кунда қудуқларнинг 90 фоизида ҳисоблагич йўқлиги сабабли ер ости сувлари сарфи тўғрисида аниқ маълумот тўплаш имкони бўлмаяпти. Шунинг учун ер ости сувларидан фойдаланувчиларга 2024 йил 1 январга қадар ўз тасарруфидаги иншоотларни сув ҳисоблагич билан жиҳозлаш мажбурияти қўйилмоқда.

Шунингдек, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб ҳар бир қудуққа алоҳида эмас, балки қудуқларни бурғилаш фаолиятига рухсатнома бериш йўлга қўйилади. Сатҳи пасайиб кетаётган ер ости суви конларини тубдан қайта баҳолаш бўйича геология-қидирув ишлари амалга оширилади.

Яна бир янгилик – ер ости сувларининг ҳолатини кузатиб бориш, хавфли геологик жараёнлардан муҳофаза қилишнинг ягона тизимини яратиш мақсадида Давлат геологик мониторинг хизмати ташкил этилади.

Умуман олганда, бу чора-тадбирлар ер ости сувининг камайиш жараёнини тўхтатиш ва бошқа ҳудудларда бундай ҳолат юзага келишининг олдини олишга хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари бу таклифларни маъқуллаб, сувдан ҳисобсиз фойдаланишга чек қўйиш, бу борада интизомни кучайтириш бўйича кўрсатмалар берди. Чучук сув манбаларини асраш ва аҳоли учун узоқ муддатга етадиган захира яратиш муҳимлигини таъкидлади.

**ЎзА.**

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 30 йиллиги муносабати билан давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатнинг амалий тасдиғи сифатида **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”ги Фармон**ни имзолади.

Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан содир этган жинояти учун жазони ижро этиш муассасалари ва пробация органларида жазо ўтаётган ҳамда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган **402** нафар шахс афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **128** нафари асосий жазодан тўлиқ озод этилди, **201** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинди, **15** нафарининг озодликдан маҳрум этиш жазоси енгилроқ жазо билан алмаштирилди. Шунингдек, **58** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилди.

Афв этилганларнинг **17** нафарини чет эл фуқаролари, **63** нафарини аёл, **26** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар ҳамда **19** нафарини тақиқланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш бўйича масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.

## O‘ZBEKISTON KONSTITUTSIYASI – MENING KONSTITUTSIYAM


**Shukurjon ABDUVOHIDOV,**
Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti talabasi.


**Tarixan buyuk yuksaklikka ega davlatchiligimizning bugungi eng asosiy poydevorlaridan biri – o‘zbek xalqining konstitutsiyasidir. Joriy yil O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining qabul qilinganiga 30 yil to‘ldi. Bu davr o‘zbek xalqi tarixida qancha asrlardan beri azaliy orzusi bo‘lgan mustaqillikka erishishi, xalqning o‘z manfaatlari, huquqlari va erkinliklarini ifoda etishi, bularning barchasini o‘z konstitutsiyasi bilan qonunan belgilab qo‘yishi va davlatchilik asoslarini to‘xtovsiz rivojlantirib borishi kabi voqealar bilan dolzarb ahamiyat kasb etadi. Bu kabi yutuqlarga erishish albatta, istiqlol-u tinchlik va oliy yuridik kuchga ega bo‘lgan xalq manfaatlarini ozida aks ettirgan konstitutsiya sharofatidir. Chorak asrdan ko‘proq vaqt mobaynida Qomusimiz mukammalashtirilib, umuminsoniy huquqlar va davr talabidan kelib chiqib ko‘plab qo‘shimcha kiritildi.**

Qaysi bir xalqning davlatchiligi rivojlanib borar ekan, qonunchilik tizimini yanada takomillashtirish, zamon ruhiga moslash masalalari ko‘ndalang qo‘yiladi. Bugun biz yurtimizni Yangi O‘zbekiston darajasiga ko‘tarishga, hozirgi o‘zbek sivilizatsiyasini Uchinchi Renessans bosqichiga olib chiqishga bel bog‘lar ekanmiz, Qomusimizni asl maqsadlarimizga monand ravishda moslashtirish va uni yana ham rivojlantirish zarur vazifamiz hisoblanadi. Buni chuqur anglagan mas’ul mutasaddi xodimlar muhtaram Prezidentimiz tashabbusi bilan amaliy harakatlarni izchillik bilan olib bormoqda.

Bu harakatlar mohiyatida “Inson – Jamiyat – Davlat” yondashuviga alohida urg‘u berilmoqda. Xususan, barcha konstitutsiyaviy islohotlar “O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida” deb nomlangan o‘zida xalq manfaatlari va xohishlarini ifoda etgan konstitutsiyaviy qonun loyihasida mujassamlashtirildi. Prezidentimizning Konstitutsiyaviy komissiya a’zolari bilan uchrashuvida “Betakror yurtimizda barqaror jamiyatni va bardavom taraqqiyotni ta’minlash – barchamizning bosh maqsadimizdir” deya ta’kidlagani esa islohotlar inson qadri va uning manfaatlari uchun ekanligining yaqqol dalilidir. Ushbu loyiha xalq muhokamasiga taqdim etilgan muddat davomida butun O‘zbekiston bir bo‘lib, islohotlarni amalga oshirishda faol ishtirok etdi. Bu esa xalqning o‘z qomusiga befarq emasligi, mazkur islohot ahamiyatini chuqur his qilganligini ko‘rsatib beradi.

Zero, bu holat “Konstitutsiyaning birdan bir manbai va muallifi xalqdir” tamoyiliga to‘la mos tushadi. Chunonchi, xalq muhokamasining so‘nggi kuni 1-avgust yakunlari bo‘yicha statistikalarga e’tibor beradigan bo‘lsak, o‘z taqdiriga va vatan ravnaqiga befarq bo‘lmagan yurtdoshlarimizdan jami 150 mingdan ortiq takliflar kelib tushgan. Tahlillarga ko‘ra, ularning 56 foiz ulushi erkaklar hisobiga to‘g‘ri kelsa, 40 foizi ayollarimiz hisobiga to‘g‘ri keladi. Eng e’tiborlisi, kelib tushgan takliflarning 67 foizi Yangi O‘zbekiston bunyodkorlari bo‘lmish 18 yoshdan 30 yoshgacha bo‘lgan yoshlar tashabbusi ekanligi ham ijobiy voqeadir. Eng ko‘p takliflar davlatning ishsizlikni tugatishi, soliqqa tortishning mutanosib va ijtimoiy adolat prinsiplariga mos bo‘lishi, hukumat zarur hollarda xorijdagi fuqarolarga huquqiy va boshqa yordam ko‘rsatishi, davlat organlari faoliyati ochiq bo‘lishi va ularga korrupsiyaga qarshi kurashish majburiyatini yuklashi, aholi uchun munosib yashash sharoitlarini yaratishi, oziq-ovqat xavfsizligini ta’minlashi, sudning inson huquq va erkinliklarini kamsituvchi normativ-huquqiy hujjatlarni qo‘llashga haqli emasligini belgilashi to‘g‘risidagi masalalaridir. Mahalliy boshqaruvni takomillashtirish, yoshlar va ta’lim sohasida kelib tushgan takliflar ham o‘ziga xos ahamiyatga egaligini ko‘rish mumkin.

Bularning barchasidan shuni anglaymizki, O‘zbekistonning har bir fuqarosi, o‘z yurti ravnaqiga, uning Yangi O‘zbekiston nomiga ko‘tarilishiga va Uchinchi Renessans davrini bunyod etishga befarq emas. Shunday ekan, dastavval Yangi O‘zbekiston huquqiy poydevorini xalqchil, zamonaviy, umumjahon huquqlari va milliy manfaatlarimizga uzviy bog‘liq holda takomillashtirishimiz kerak. Zero, qurmoqchi bo‘lgan yangi jamiyatimizning huquqiy poydevori mustahkam bo‘lar ekan, rejalashtirilgan barcha marralarimizga yetishamiz. Shundagina barchamiz “Yangi O‘zbekiston Konstitutsiyasi – mening Konstitutsiyam” deya g‘ururlanib baralla ayta olamiz.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№96-97 (649-650) 2022 йил 8 декабрь

ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИДА

# НАЗОРАТ, ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

**2023 йилнинг 1 январидан бошлаб Давлат дастурларига киритилган қурилиш лойиҳалари, ташаббусли бюджетлаштириш асосида молиялаштириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича лойиҳалар янада оптималлаштирилади.**
**Гап шундаки, эндиликда объектларнинг бош лойиҳа-қидирув ва бош қурилиш-пудрат ташкилотлари Қурилиш вазирлигининг "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида инсон омилисиз ўтказиладиган тендер савдолари орқали аниқланади.**

Бу ҳақда АОКАда ўтказилган брифингда Қурилиш вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Саидносир Усмонов маълум қилди.

Тасдиқланган манзилли рўйхатларга киритилган ҳар бир объектга идентификация рақами берилади ва "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимига киритилади ҳамда улар бўйича ҳар қандай ўзгартириш ёки қўшимчалар мазкур ахборот тизимида акс эттириб борилади. Хавф-хатар тоифасидан қатъи назар, барча объектлар қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаш учун ваколатли органдан электрон рўйхатдан ўтказилади ва назоратга олинади.

"Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида бош пудрат ташкилоти томонидан ишларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи далолатнома унинг мазкур тизимдаги шахсий кабинетида электрон тарзда шакллантириб борилади ва буюртмачи ташкилот билан электрон тарзда келишилади. Бунда, буюртмачи томонидан ҳисоб-варақ-фактуралар Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига молиялаштириш учун электрон шаклда юборилади. "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимидаги лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг рейтингида мавжуд бўлган корхоналар, уларнинг рейтингини ҳисоблаш мезонлари кесимидаги баллари, Дастурлар ҳамда Лойиҳалардаги ҳар бир объектнинг шаҳарсозлик ҳужжатлари, объектда бажарилган иш ҳажмлари ва молиялаштирилган маблағлар ҳақидаги маълумотлар тизимда реал вақт режимида жамоатчилик учун очиқ эълон қилинади.

– Эндиликда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимида ўтказилган тендер савдолари якуни, шунингдек, буюртмачи билан лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасидаги лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва пудрат ишларини бажариш тўғрисидаги шартномалар мазкур тизимда электрон рақамли имзо орқали тузилади, – деди Саидносир Усмонов. – Шунингдек, рўйхатдан ўтказиш ёки ҳисобга олиш учун Молия вазирлигининг Давлат молиясини бошқариш ахборот тизимига электрон шаклда юборилади. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ҳоким ёрдамчиси, маҳалла фаоллари ва ёшлар етакчилари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа жамоат ташкилотлари томонидан ҳудудларда амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Яна муҳим маълумот шуки, "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизимининг мобил иловаси ишга туширилади. Бу орқали қурувчи ташкилотлар ва тадбиркорлар фаолияти учун янада кўпроқ қулайликлар яратилади.

# ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

**Ойбек ХИДАЕВ,**
Қурилиш вазирлиги Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш бўлими бошлиғи.



**Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш бўлими ҳам "Лицензия" ахборот тизими орқали самарали фаолият олиб боряпти. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 2022 йилнинг бугунги кун ҳолатига кўра, юридик шахсларга Қурилиш вазирлиги томонидан "Лицензия" ахборот тизими орқали жами 468 та лицензиялар берилди. Бу рақамлар ўз навбатида юртимизда лойиҳа ташкилотларининг сони ошиб бораётганини кўрсатади.**

Шунингдек, вазирлик томонидан лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги мутахассисларни сертификатлаш, лицензиялашни соддалаштиришни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилди. Ушбу қарор лойиҳасида тадбиркорлик субъектларига тезкор ва сифатли давлат хизматларини кўрсатиш мақсадида лицензиялаш муддатларини қисқартириш, айрим мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф қилиш ва 4 тоифали объектларни лойиҳалаштиришга лицензиялар бериш назарда тутилган. Муҳими, бу жараёнда жамоатчилик муҳокамасидан келиб тушган таклифлар ҳам инобатга олинган.

Бундан ташқари, қонунчилик ҳужжатлари, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларига риоя этмаётган, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқаётган юридик шахсларга нисбатан тегишли таъсир чоралар қўлланилмоқда. Жорий йилда ана шундай ҳуқуқбузарлик ҳолатларидан 101 таси аниқланди. Жумладан, ҳуқуқбузарлик даражасига кўра, лойиҳа ташкилотларига 58 та огоҳнома хатлари юборилган бўлиб, 38 та лицензиянинг амал қилиш муддатини вақтинчалик тўхтатиш ҳақида Қурилиш вазирининг буйруқлари қабул қилинди. 2 та лицензиятнинг лицензияси суд орқали бекор қилиниб, яна 2 тасининг раҳбарига нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилиб, жарималарга тортилди.

Қурилиш соҳасида лицензиялаштириш бўйича яна бир янги лойиҳа амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги 920-сонли қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, Қурилиш вазирлигида назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан аттестациядан ўтказиш тартиби жорий қилинди. Яқинда аттестация комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони, Савдо-саноат палатаси мутахассислари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида аттестациядан ўтиб, махсус гувоҳномага эга бўлдик.

Ушбу гувоҳнома эндиликда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериб, назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларида профилактика тадбирлари ваколатли орган билан келишган ҳолда тасдиқланган чораклик режа-графиклар асосида амалга оширилади.

Профилактик тадбирлар қуйидаги шаклларда ўтказилади:

– бевосита жойига чиқмаган ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашмаган ҳолда ҳуқуқий тарғибот, семинарлар, тушунтириш ишлари ва амалий машғулотлар ташкил этиш;

– тадбиркорлик субъектларига почта алоқаси ёки электрон ахборот тизимлари орқали уларнинг фаолияти юзасидан қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга қаратилган тавсиялар, тадбиркорлик субъекти фаолият юритаётган соҳада содир этилаётган тизимли ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитлар бўйича хабарномалар юбориш;

– амалдаги қонунчилик талабларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш;

– тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларни оммавий муҳокама қилиш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғида веб-сайтлар, шу жумладан, ижтимоий тармоқларда блог ва чатларни ташкил этиш;

– тадбиркорлик субъектларини қонунчилик талаблари акс эттирилган тарқатма материаллар ва бошқа қўлланмалар билан таъминлаш.

Шунга кўра, бўлим томонидан 2023 йилнинг бошидан ҳуқуқбузарликларни аниқлаш мақсадида юридик шахсларни текшириш ишлари олиб борилиши режалаштирилган.

# Ишчи гуруҳи Фарғонада



**Республика Ишчи гуруҳи аъзолари ҳамда қурилиш вазири ўринбосари Жалол Арашов айни кунларда Фарғона вилоятининг айрим туманларида бўлиб, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила хонадонларини ўрганмоқда.**

Энг аввало, уларни қийнаётган масалаларга эътибор қаратилиб, хонадонларни таъмирлаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиляпти. Жумладан, Фарғона вилояти Бешариқ туманидаги Усмонобод, Деҳқонтўда, Қият қишлоқларида яшовчи фуқароларнинг хонадонларига бориб, ўрганиш ишлари олиб борилди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари Андижон ва Фарғона вилоятлари бўйлаб давом этади.

# Вазирлик биносига қуёш электр станцияси ўрнатилди

**"Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва 2022 йилнинг 10 июнь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтказилган қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги топшириқлар ижроси юзасидан Қурилиш вазирлиги биносига қуёш электр станцияси ўрнатилди.**



Мазкур станция 204 та қуёш панелидан иборат бўлиб, соатига 110 кВт электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватига эга. Аҳамиятлиси, эҳтиёждан ортган электр энергия қисмини ҳудудий электр тармоқларига узатиш имконияти ҳам мавжуд. Қуёш радиацияси энергиясини бевосита электр энергиясига айлантириб берувчи ушбу станция кўмагида электр энергияси истеъмолининг 30 фоизгача тежалиши кутилмоқда.

# Норматив ҳужжатлар тизимлаштирилмоқда

**Баҳодир СОДИҚОВ,**
Қурилиш вазирлиги бошқарма бошлиғи.

**Сўнгги йилларда қурилиш индустриясининг жадаллик билан ривожланиши, янги материаллар, технологиялар ва техникаларнинг кириб келиши соҳага оид техник меъёрий ҳужжатлар ва нормативларга бўлган эҳтиёжнинг ошишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис, охирги 3-4 йилдан буён норматив ҳужжатларни янгилаш, эскирганларини замонга мос равишда қайта ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёнда хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш ҳукумат миқёсидаги масала сифатида қаралади. "Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" қабул қилинган Ҳукумат қарори (577-сон, 06.10.2022 й.) ҳам бу борадаги ишларнинг амалий ифодасидир.**



Ушбу қарорни қабул қилишдан асосий мақсад, қурилиш соҳаси вакиллари учун улар фаолиятини соддалаштириш, зиммасидаги юкни енгиллаштириш, иш жараёнини оз бўлсада эркинлаштиришдир. Шунингдек, қурилиш соҳасига оид талаблар, эскирган ва ўз аҳамиятини йўқотган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта кўриб чиқишдан иборат. Эндиликда шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари камида ҳар 3-4 йилда қайта кўриб чиқилади ва заруратга кўра янгилаб борилади.

Шунингдек, шаҳарсозлик фаолияти соҳасига доир миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда республикада қўлланилиши рухсат этиладиган хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган ҳамда хорижий давлатларда экспертизадан ўтказилган лойиҳаларнинг тегишли қисмлари тўғридан-тўғри тан олиниши белгиланмоқда. Бундай норматив ҳужжатлар – Еврокодлар (European Codes, EC), Британия стандартлари (British Standards, BS), Хитой миллий қурилиш стандартлари (GB, CJ, JC, JG ва бошқалар), Корея қурилиш кодлари (Korean building code, KBC), РФ Қурилиш меъёрлар ва қоидалар (СП, СНиП), АҚШ халқаро қурилиш кодлари (International building code, IBC) ва Япония миллий стандартлари (Japanese Industrial Standards, JIS) ҳисобланади.

Қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб, 44 та ШНҚ ўзаро умумлаштирилиб, 14 та ШНҚ ҳолатига келтирилади ва натижада уларнинг сони 30 тага қисқаради. Масалан, Бино ва иншоотларнинг техник ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш, Турар жой биноларини техник текшириш тўғрисида Низом, Турар жой биноларининг жисмоний эскиришини баҳолаш қоидалари, Уй-жой, жамоат ва саноат биноларини тубдан таъмирлашни лойиҳалаш учун текширув ўтказишда хавфсизлик қоидалари каби ШНҚ ва ҚМҚлар умумлаштирилиб, Бино ва иншоотларни техник ҳолатини текшириш ва мониторинг қилиш тартиби номли битта яхлит ШНҚ сифатида қайтадан ишлаб чиқилади.

Қурилиш ишларига элементли ресурс-смета нормаларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш тўғрисидаги умумий низом ҳамда Таъмирлаш ва қурилиш ишларида ресурс элементлар сарф-харажатларини қўллаш бўйича умумий қоидалар битта ШНҚ сифатида умумлаштирилади.

Шу каби 35 та "Смета-ресурс нормалари" бир-бирига қўшилиб, уларнинг сони 16 тагача камаяди. Бунинг натижасида 19 та ШНҚ қисқаради. Бундан ташқари, 76 та ШНҚ "маълумотнома" тоифасига, 30 та ШНҚ (ҚМҚ) "Қурилиш регламентлари" тоифасига, 46 та ШНҚ эса "Смета-ресурс нормалари" тоифасига ўтказилади. Қурилиш регламентлари ва смета-ресурс нормалари техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар таркибидан чиқарилади ва ўз мажбурийлигини йўқотади.

Аҳамиятлиси шундаки, Қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан бошлаб, "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонун доирасида амалга ошириладиган қурилиш-монтаж, реконструкция ва мукаммал таъмирлаш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларидаги қиймати смета-ресурс нормалари асосида шакллантирилса, бу ишлар тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилганда смета-ресурс нормалари тавсиявий хусусиятга эга бўлади.

Умуман айтганда, ушбу Қарор кенг қамровли бўлиб, унда 2022 – 2024 йилларда қурилишга доир техник жаҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни янгилаш ҳамда уларни халқаро норматив ҳужжатлар билан уйғунлаштириш ишлари кўлами ҳам белгилаб ўтилган. Жумладан, ушбу давр мобайнида Жанубий Кореянинг Фуқаролик қурилиши ва қурилиш технологиялари (KICT) институти билан ҳамкорликда жами 122 та норматив ҳужжатлар халқаро нормативлар билан уйғунлаштириш режалаштирилмоқда.

Бу борада ишлар анча олдин бошланган бўлиб, Қурилиш вазирлиги Корея Республикасининг (KICT) институти билан ҳамкорликда 2021 – 2024 йилларга мўлжалланган "Ўзбекистон қурилиш нормаларини модернизация қилиш" лойиҳаси амалга оширилиб келмоқда. Бунда хорижий нормативларни ўз ҳолича кўчириб олиш эмас, балки уларни миллий шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, юртимизнинг геология, табиий-иқлим ва сейсмологик хусусиятлари ҳамда маҳаллий менталитетини ҳам ҳисобга олган ҳолда мослаштириш асосий мезон ҳисобланади.

Норматив ҳужжатларни умумлаштириш ёки қисқартиришга сабаб нима?

Аввало, кўпгина ШНҚ (КМҚ) ва норматив ҳужжатлардаги моддалар бир-бирини такрорлайди. Бу жараёнда бир-бирига ўхшайдиган нормативлар чиқариб ташланади ёки бир неча нормалар умумлаштирилади.

Масалан, бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги бўйича алоҳида ШНҚ мавжудлигига қарамай, яна 90 дан ортиқ норматив ҳужжатда ёнғин хавфсизлиги талабалари келтирилган. Аслида қолган барча нормативларнинг деярли 90 фоизи асосий ҳужжатдаги талаблардан келиб чиқиб белгиланган. Баъзи ШНҚларда эса техник жиҳатдан ҳеч қандай талабни белгилаб бермайдиган нормалар ҳам мавжуд. Шу боис, нормаларни таҳлил қилиш орқали уларни оптималлаштириш зарурати ҳам кўзда тутилган.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш натижасида соҳа мутахассисларининг иши анча енгиллашади, фаолиятида қўллаш керак бўлган ҳужжатлар камаяди, вақт ва маблағ тежалади. Ҳукумат Қарорининг реализацияси нафақат бино ва иншоотларни лойиҳалаш ва қуришда, балки бу фаолият билан боғлиқ бўлган бошқа жабҳаларга, масалан лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш, қурилишда назоратни олиб бориш фаолиятига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатишига аминман.

# Сел-тошқинларнинг олди олиниб, йўллар таъмирланди

**Воҳиджон МИЗОМОВ,**
Хатирчи тумани қурилиш бўлими бошлиғи.

**Қиш мавсумига тайёргарлик ишлари ёздаёқ бошланиб, бино ва иншоотларни таъмирлаш, иситиш тизимлари, газ, сув тармоқларининг созлиги юзасидан назорат кучайтирилганди.**

Масалан, Хатирчи туманидаги 64, 71, 22 ва 52-сонли умумтаълим мактабларида қиймати 17 303,5 млн сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилиб, қулай шароитлар ҳозирланди. Шунингдек, Амир Темур номидаги МФЙ ҳудудидаги 10-сонли мактабгача таълим ташкилоти қайта реконструкция қилинди. 22-сонли мактаб учун қурилаётган 320 ўринли ётоқхона биносида ички ва ташқи пардозлаш, электрмонтаж ҳамда ободонлаштириш ишлари бажарилди.

Маҳаллаларда қурилиш-таъмирлаш ишлари тизимли ташкил этилган бўлиб, жами 6,4 километр ички йўл, 12 километр оқова сув, 23,8 километр электр тармоқлари, 2 километр табиий газ тармоқлари, 6 километр алоқа тармоқлари, шунингдек, 1 та мактаб биноси объекти ва 1 та маҳалла биноларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Аҳолининг ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида тумандаги 15 та МФЙни қамраб олувчи 5 та йирик лойиҳа амалга оширилиб, 44 километр узунликда янги тармоқлар тортилди ва 2 та сув иншоотини реконструкция қилиш ишлари бажарилгандан сўнг 23 200 нафар аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Айни пайтда туман марказида янгидан қурилаётган оқова сув объектда 1 дона сув тозалаш иншоотини қуриш ишлари олиб борилмоқда, у йилдан йилга ўтувчи объектдир. "Тасмачи" МФЙда ҳам ҳозирда 20 километр янгидан тармоқ тортиш 1 та сув иншоотини қуриш ва 1 та сув иншоотида таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. "Зарбдор" МФЙда "Юзовул" ва "Сарой" сув тарқатиш иншоотларини қайта реконструкция қилиш ҳамда 11 километр янгидан ичимлик суви тармоқларини тортиш белгиланган бўлиб, давлат бюджетидан 2 787 млн сўм маблағлар йўналтирилган, ҳозирга қадар 23,5 километрда тармоқ тортиш ҳамда 1 та сув иншоотида таъмирлаш-тиклаш ишлари амалга ошириляпти.

Булардан ташқари, йўлсозлик ишларига ҳам эътибор қаратилаётган. Туман ҳудудидан ўтувчи давлат аҳамиятига молик бўлган 4Р56 "Оқтош-Янгирабод-Лангар-Чуя" автомобиль йўлининг 11-16 километр қисмини реконструкция қилиш ишлари амалга ошириляпти. "Мирдош" МФЙ Мирдошсой сойидан келадиган сел сувларидан 300 та аҳоли хонадонларини ва 39-сонли мактабни муҳофаза қилиш мақсадида 800 метр сой ўзанини тозалаш, қирғоқларни мустаҳкамлаш ҳамда 1 дона сел кечув йўли, бир дона қувурли ўтиш жойи қуриш объектида бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, "Кориз Араб" МФЙнинг Қиёт ва Қирғиз қишлоқларида ҳам шу сингари муҳим ишлар бажарилди.

# УЙ-ЖОЙЛАРНИ БОШҚАРИШДА ЯНГИ ДАВР

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.







**Кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатиш ва бошқариш урбанизациянинг ажралмас бўлаги. Бунда бошқарув сервис компанияларининг ўрни алоҳида. Бундай компаниялар ҳозирги кунда янги тартиблар ва кенг имкониятлар фонида ривожланиб бормоқда. Яқинда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ташкил этилган пресс-тур давомида Тошкент шаҳрининг Сергели ва Яшнобод туманларида фаолият олиб бораётган бошқарув сервис компанияларининг фаолияти ўрганилди.**

Бугунги кунда республика бўйича жами 39 691 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, шундан 35 773 та кўп квартирали уй 708 та бошқарув компанияси, 1 579 та кўп квартирали уй 329 та уй-жой мулкдорлари ширкати, 809 та кўп квартирали уй бошқа ташкилотлар, 765 та кўп квартирали уй ўз-ўзини бошқариш йўли билан бошқариб келинмоқда. Президентимизнинг "Кўп квартирали уйларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва бошқарувчи ташкилотларни молиявий соғломлаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори кўп қаватли уйларни бошқариш соҳасини такомиллаштириш, хусусан, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи бошқарув ташкилотларини қўллаб-қувватлашда аҳамиятли бўлди.

### КЎП ҚАВАТЛИ УЙЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РИВОЖЛАНМОҚДА

2021-2022 йилларда республикада 700 дан ортиқ бошқарув ташкилотлари фаолияти йўлга қўйилди. Жорий йилда улар томонидан уйларни таъмирлаш, ҳудуднинг инфратузилмасини яхшилашга 150 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар сарфланди. Шунингдек, бошқарувчи ташкилотлар томонидан жами 35 миллиард сўмлик зарур моддий-техника ва ускуналар харид қилинган. Бунда 115 та енгил уловлар, 23 та самосвал, 2 та автокран, 16 та трактор, 250 та мотороллер, 6 000 та турли хил асбоб-ускуналар тўплами мавжуд.

– Ҳозирги кунда республикада 40 мингга яқин кўп қаватли уйлар бор, – деди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири ўринбосари Озода Жўраева. – Уларга 736 та бошқарув сервис компаниялари хизмат кўрсатади. Мазкур компаниялар фаолияти даставвал 15 та ҳудудда бир йил давомида тажриба-синов тариқасида амалга оширилди. Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳри, Навоий вилояти каби ҳудудларда мазкур компаниялар ижобий натижа берди. Биргина Навоий вилоятида 30 та бошқарув сервис компанияси мавжуд бўлиб, 80 дан ортиқ эски тартибдаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўрнига ташкил этилди. Эски тартибдан фарқли равишда янги компаниялар кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиш билан бир қаторда, тадбиркорлик фаолиятини ҳам амалга оширмоқда.

Бугун Тошкент шаҳрида 509 мингдан зиёд хонадондан иборат 10 813 та кўп квартирали уй мавжуд бўлиб, уларга 267 та бошқарувчи компания ҳамда 102 та молиявий ҳолати яхши уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. 10 078 та кўп квартирали уй бошқарув компаниялари томонидан, 310 таси ширкатлар томонидан, 392 таси эса бевосита мулкдорлар томонидан бошқарилади. Кўп квартирали уйларнинг 33 таси бошқа ташкилотлар балансидаги уйлар ҳисобланади.

Шунингдек, муаммоли кредитлари мавжуд бўлмаган ва барқарор ишлаётган ширкатлар фаолиятига ҳеч ким аралаша олмайди. Бугунги кунда кредит олмасдан фаолият юритаётган 167 та ширкат мавжуд ва уларнинг фаолияти аҳолини қониқтириб келмоқда.

### "МЕНИНГ УЙИМ" БИЛЛИНГ ТИЗИМИ НИМА?

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан ишга туширилган "Менинг уйим" биллинг тизими бошқарув органларининг ягона, очиқ электрон маълумотлар базасини шакллантириш, мулкдорлар маблағидан самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, кўрсатилаётган хизматларнинг сифатини ошириш, уларнинг талаб ва меъёрларга амал қилинишини назорат қилади. "Менинг уйим" биллинг тизимида бугунги кунга қадар 1,2 миллиондан зиёд абонент маълумотлари шакллантирилди. Шундан 486 мингтаси Тошкент шаҳри, қолган 731 мингтаси эса бошқа ҳудудлар абонентларини ташкил этади. Бунда хонадонлар мулкдорларга бошқариш органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар электрон ва онлайн режимида тақдим этилмоқда.

Шунингдек, биллинг тизими "Электрон ҳукумат" идоралараро интеграциялашган платформаси, кўп квартирали уй-жойларнинг хонадонлари ҳақида маълумотлар базасини автоматик шакллантириш бўйича кўчмас мулк объектларининг кадастр рақамлари, ягона манзиллар реестри, мулкдорларнинг қарздорлигини нотариал идоралари томонидан текшириш учун Адлия вазирлигининг маълумотлар базалари ҳамда Марказий банкнинг клиринг "Мунис" тизимига интеграция қилинган.

"Менинг уйим" биллинг тизими орқали жорий йил бошидан бугунги кунга қадар 194 миллиард сўм пул маблағи келиб тушган.





### ХИЗМАТ КЎРСАТИШДАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ ЙЎЛ

Бугунги кунда бошқарув сервис компанияларига шундай имкониятлар яратилдики, эндиликда улар нафақат ўзларига бириктирилган уйларга хизмат кўрсатиш, балки қўшимча даромад топиш мақсадида бевосита тадбиркорлик фаолиятини ҳам амалга оширмоқда. Мазкур турдаги фаолият тури билан шуғулланиш истагида бўлган резидентларга туманларда ҳокимликлар томонидан ер майдонлари ажратилиб, давомий қўллаб-қувватланмоқда. Бунда компаниялар кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишда том қисмлари ва керакли темир кодли эшиклар, деразалар ва шу каби қурилиш-бутлаш маҳсулотларини бевосита ўз базаларида ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлишмоқда. Илгарилари маҳаллалардаги болалар майдончалари учун зарурий қисмлар сотиб олинган бўлса, эндиликда мазкур турдаги ўйингоҳлар бошқарув сервис компанияларининг ишлаб чиқариш базаларида тайёрланиб, кўп қаватли уйлар атрофига ўрнатилмоқда.

– Ҳозирги кунга қадар Сергели туманидаги мавжуд 650 та кўп қаватли турар жой биноларини 94 та ширкатлар бошқариб келган, – деди Сергели тумани ҳокими Элбек Шукуров. – Замон талаблари ва аҳолининг коммунал эҳтиёжларининг ортиши билан соҳага ислоҳотлар зарурлиги кўзга ташланди. Кўплаб хорижий давлатлардаги кўп қаватли уйларни бошқариш тизимини ўрганган ҳолда, шунингдек, давлат раҳбарининг бевосита ташаббуслари ортида аҳоли билан бамаслаҳатликда янги турдаги бошқарув сервис компаниялари ташкил этилмоқда. Ҳозирги кунда Сергели туманида ҳам 15 та шундай турдаги компаниялар ташкил этилди. Ҳудудимиздаги мавжуд 643 та кўп қаватли турар жойларни эндиликда ушбу бошқарув сервис компаниялари бошқариб келмоқда. Илгари кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишда йиғимларнинг асосий қисми бошқарув тизимида ишловчиларининг ойлик-маошларига кетиб қолар, натижада техник ходимлар ва уй-жойнинг ҳолатини яхшилашга қаратилган маблағлар етишмовчилиги юзага келар эди.

Маълумотларга кўра, аҳоли томонидан ҳозирги кунда бошқарув сервис компанияларига ёғингарчиликлар мавсумида ертўла ва том қисмларидаги муаммолар бўйича мурожаатлар келиб тушмоқда. Авваллари кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи ширкатларда аҳолига хизмат кўрсатиш вақтлари чегараланган эди. Ҳозирги кунга келиб мазкур мурожаатлар узликсиз амалга оширилмоқда.

### БОШҚАРУВ КОМПАНИЯСИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги томонидан кўп квартирали уй-жойларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш, уларга туташ ер участкаларини аниқ белгилаш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Пресс-тур давомида Сергели ва Яшнобод туманларидаги "Universal new forever" ва "Юксалиш" бошқарув сервис компанияларининг фаолияти билан танишилди.

"Universal new forever" бошқарув компанияси 2022 йил ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда Сергели тумани "Эзгулик", "Зийнат" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 34 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиб келади. Мазкур бошқарув компанияси 4 та ўзини оқламаган ширкат ўрнида ташкил этилган бўлиб, ўз ҳисобидан соҳага 2,5 миллиард сўм миқдорида инвестиция маблағи киритган. 32 та иш ўрнига эга компания 16 турдаги моддий техникасига эга. Шунингдек, аҳолига 25 дан ортиқ қўшимча сервис хизмат турларини кўрсатиб келади. Компанияда 24/7 иш режимидаги авария-диспетчерлик хизмати мавжуд.

– "Юксалиш" бошқарув сервис компанияси 2021 йил ташкил топган бўлиб, Яшнобод туманидаги бешта маҳаллада жойлашган 180 дан ортиқ кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатиб келяпмиз, – деди "Юксалиш" бошқарув сервис компанияси директори Акбар Мусаев.– Биз эски тартибдаги 21 та ширкатни қамраб олганмиз. Компаниямиз турли коммунал хизматлар қатори аҳолига 38 турдаги пулли хизматларни таклиф этмоқда. Ҳозирги кунда давлат томонидан ҳам етарлича қўллаб-қувватлов амалга оширилмоқда. Бундай бошқарув сервис компаниясини ташкил этиш учун тегишли идоралардан масъулияти чекланган жамияти шаклида лицензия олинади. Шундан сўнг, жойлашган ҳудуд бўйича ҳокимликдан бошқарув сервис компанияси таъсисчиси сифатида рўйхатдан ўтилади. Кейинги жараёнда аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича сўровнома тақдим этилади. Аҳоли розилиги билан, яъни 51 фоиз ва ундан юқори овоз тўплангач, бевосита фаолиятни бошлаш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлиги, турмуш даражаси ва сифатини таъминлашдир. Бунда коммунал хизматлар соҳасининг ўрни катта. Бу эса соҳа фаолиятини тўғри ташкил этиш ва самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор беришни талаб этади.

## Буюк келажакка муносиб пойдевор

**Аброр ИЛМУРАТОВ,**
Самарқанд вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси директори.

**Мамлакатимизда улкан бунёдкорлик, яратувчилик йилдан-йилга ўсиб, шаҳар ва қишлоқлар, чекка овуллар кўркам қиёфа касб этмоқда. Бунинг инъикоси биргина Самарқанд вилояти мисолида яққол сезилаётгани кишига олам-олам қувонч бағишлайди. Сўнгги 2-3 йил ичида бу ерда амалга оширилган қурилиш-монтаж ишларини, айниқса, тасаввурга сиғдириш қийин.**

Бугун вилоятга ташриф буюраётган ҳар бир меҳмон, юртимиз фуқаролари ўзгариш ва янгиланишларни ўз кўзлари билан кўриб, бунга тўла амин бўлмоқда. Жадал суръатда олиб борилган хайрли ишлар натижасида қанчадан-қанча янги турар жой массивлари, замонавий маданий-маиший объектлар, текис ва равон йўллар, боғ-хиёбонлар қад ростладики, уларни бемалол мўъжизага қиёслаш мумкин. Муҳими, бундай бунёдкорликларда вилоят ҳокимлигининг "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси ходимларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигидир.

Бугунги кунда республикамиз қурилиш соҳасида аниқ меъёр ва тизим шаклланганлиги туфайли жамоамиз улкан ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Барча бинокорлик ишлари манзилли-йўл харитаси, давлат инвестиция дастурлари доирасида ташкил этилаётганлиги ҳам ютуқларимиз омилидир. Бошқача айтганда, биз ягона буюртмачи сифатида дастурларни ўзимизга дастуриламал қилган ҳолда фаолият юритишимиз муваффақиятларга кенг йўл очаяпти. Бу жараёнда пудратчи ташкилотлар йўналтирилган маблағлардан оқилона ва мақсадли фойдаланган ҳолда ўз ишларига масъулият билан ёндашиши жуда муҳим. Шу жиҳатдан қараганда, қурилиш ишларининг сифати, самарадорлиги, мавжуд стандартлар даражасида амалга оширилиши бизга боғлиқлигини ҳис этиш қийин эмас. Яъни, қарс икки қўлдан чиқади, десак янглишмаган бўламиз.

2022 йилги мавсумда вилоятда инвестиция дастурига мувофиқ, вилоятда ҳар қачонгидан катта ишлар бажарилганлигига бугун барчамиз гувоҳмиз. Бу, аввало, Самарқандда ўтказилган муҳим сиёсий тадбир – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг саммити билан узвий боғлиқдир. Зеро, йирик анжуман доирасида шахсан Президентимиз ташаббуси билан вилоятда жуда катта бунёдкорликка қўл урилдики, унинг маҳсули асрларга татийди, десак муболаға бўлмайди. Қисқа фурсатда Самарқанд харитасида "Буюк ипак йўли" халқаро туристик маркази пайдо бўлишининг ўзи оламшумул воқеа. Шу муносабат билан, биз ҳам шаҳар ва унинг атрофида бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини амалга оширдик. Бунда ҳар бир сўм маблағнинг оқилона сарфланиши ва мақсадли ишлатилиши доимий назоратга олинди. Қолаверса, буюк муҳаддис ва ҳадис илми султони Имом Исмоил ал-Бухорий мажмуасини қайта таъмирлаш ишлари ҳам зиммамиздаги вазифаларни икки ҳисса орттирди. Яъни, республика бюджетидан тушаётган ва вилоят ҳокимлигининг маҳаллий бюджетидан ажратилган маблағлардан фойдаланишни тўғри йўлга қўйишда пудратчилар билан ҳамфикр бўлиш, зарур маслаҳатлар бериш, лойиҳа-смета жараёнлари мувофиқлигини таъминлаш фаолиятимиз мазмун-моҳиятига айланмоқда.

Вилоятда ижтимоий, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури ижросини таъминлаш борасидаги ютуқлар билан ҳам фахрлансак, арзийди. Чунки жорий йилда 207 та объектда жами 1,5 триллион сўмга яқин ҳажмдаги ишлар бажариш кўзда тутилган бўлиб, айни пайтда уларнинг асосий қисмини тугаллашга эришдик. Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Самарқанд, Ургут, Нуробод, Пахтачи, Иштихон, Булунғур туманларида кўплаб соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача таълим муассасалари муддатидан олдин қад ростлади. Кенг ва равон йўллар қурилди, ичимлик сув, канализация, газ, электр тизимлари янгиланди. Тендер натижаларига кўра, ғолиб чиққан пудратчи ташкилотларининг саъй-ҳаракати билан дарё қирғоқ бўйиларини мустаҳкамлаш, кам таъминланган, эҳтиёжманд оилаларга арзон уй-жойлар бунёд этиш борасидаги юмушлар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 28 та қишлоқ ва 4 та маҳалланинг архитектура қиёфасини янгилаш, ҳудудларини ободонлаштириш йўналишларида ҳам кўплаб ишларни амалга оширдик. Ҳозирги кунда объектларда пудрат ташкилотлари томонидан катта миқдордаги қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, шифо масканлари, мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва бошқа бинолар фойдаланишга топширилди. Кўча ва хиёбонлар ободонлаштирилиб, аҳоли пунктларини кўкаламзорлаштириш, яшилликка буркаш бўйича кўплаб режалар ўз поёнига етказилмоқда. Вилоятда пиёдалар ва саломатлик йўлакларини қуриш, реконструкция қилиш, кўчаларга ёритгичлар ўрнатиш, уларни жиҳозлаш ишлари жадал суръатда давом эттирилмоқда.

Ободонлаштириш ишларида асосий эътибор маҳалла гузарларини замонавий руҳга мослаб қайта тиклаш, аҳоли учун ҳар томонлама қулайлик яратиш, йўл инфратузилмасини яхшилаш, транспорт воситалари учун тўхташ жойлари, одамлар дам оладиган манзиллар, болалар ўйин майдончалари ташкил этишга қаратиляпти. Булар шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутга барҳам бериш борасидаги эзгу мақсадлардан ҳисобланади.

Хуллас, биз жамоамиз билан буюк келажакка муносиб пойдевор қўйишдек шарафли вазифани уддалаш йўлида тинимсиз изланаяпмиз. Бундай хайрли ишларнинг замирида эса аввало, давлатимиз томонидан аҳоли фаровонлигини янада ошириш, намунали ҳаёт тарзини шакллантиришдек эзгу ниятлар мужассамлашган.

## Замонавий кўприк қурилди

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Иштихон туманининг Юқори Чимкўрғон қишлоғи аҳолиси самарқандлик кўприксозлардан ажойиб совғани қабул қилиб олишди. Бу ерда кўҳна қишлоқни маҳалла маркази билан боғловчи замонавий ва мустаҳкам янги кўприк фойдаланишга топширилди.**

– Биз яшайдиган ҳудуд билан марказ ўртасидаги сой устига қурилган эски кўприкни сел олиб кетганига анча йил бўлган эди, – деди кекса отахон Нуриддин Яҳёев. – Одамлар ишга, бозорга, болаларимиз мактабга бориш учун қўшни Қўшработ туманига қарашли Қийқим қишлоғи орқали олти километр масофани айланиб, анча оввора бўлар эди. Арзимизни тинглайдиганлар бор экан, бугун узоқ кутган орзуимиз ушалди. Иншоотни барпо этишга муносиб ҳисса қўшган қурувчиларга маҳалладошларим номидан миннатдорчилик билдираман.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан қад ростлаган кўприк қурилишида тажрибали мутахассис Аҳад Ўроқов раҳбарлигидаги "Самарқанд кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонаси ишчи-хизматчилари жонбозлик кўрсатди. Лойиҳа қиймати икки миллиард сўмни ташкил этадиган иншоотда улар бир йил давомида тинимсиз меҳнат қилишди. Узунлиги 36 метр, эни 9 метрдан иборат кўприк одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилишга кўмакдош бўлади, албатта.

Яна бир гап, айни пайтда сой бўйи қирғоқларини мустаҳкамлаш ва ободонлаштириш юмушлари ҳам амалга оширилмоқда.

## Ички йўллар таъмирланмоқда

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
"O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Сир эмаски, қониқарсиз ички ва тор кўчалар кўп йиллар давомида маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолига ноқулайлик туғдириб келган. Албатта, юрт ободлиги кичик маҳаллалардан бошланади. Сўнгги йилларда маҳалла инфратузилмани яхшилаш, халқимиз учун қулай шарт-шароитлар яратишга алоҳида урғу берилмоқда.**

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ҳам жорий ҳаракатлар қизғин амалга оширилиб, туманнинг кўплаб маҳаллаларидаги ички ва тор кўчаларни таъмирлаш ишлари босқичма-босқич давом эттирилмоқда. Натижада абгор ҳолатдаги маҳалла кўчалари обод бўлиб, ландшафт кўриниши янгиланмоқда. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва ҳудудий ишчи гуруҳ томонидан Мирзо Улуғбек туманининг Авайхон ва Иқтидор маҳалласи фуқаролари билан сайёр учрашув уюштирилди. Президентимизнинг "2022-2023 йилларда маҳаллалар инфратузилмасини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси бўйича Авайхон маҳалласи ҳудудидаги Гёте кўчаси, 54-уйини капитал таъмирлаш бўйича фикр алмашилди.

Учрашувда Иқтидор маҳалласи ҳудудида жойлашган 3 та электр таъминот трансформатори ва 50 дона ёғоч конструкцияли симёғочларни темир-бетон конструкцияли симёғочларга алмаштириш муҳокама қилинганди. Эндиликда маҳаллага бетон конструкцияли симёғочлар олиб келиниб, маҳаллада барча симёғочларни янгисига алмаштириш ишлари бошланди.

– Туманимиз пойтахтимизнинг сўлим ҳудудларидан бири, – деди Мирзо Улуғбек туман ҳокимлиги матбуот хизмати раҳбари Маъмур Пармонов. – Охирги йилларда ҳудудда катта ҳажмдаги кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Маҳаллалар бириктирилган сектор раҳбарлари бошчилигида бутунлай янги қиёфага кирди. Бу ўзгаришлар аҳолини хурсанд этаётгани табиий. Ҳозирда туманнинг инфратузилмаси оқсоқ маҳаллаларда қурилиш ишлари олиб борилиб, йўлларни асфальтлаш, кўкаламзорлаштириш ишлари давом эттирилмоқда.

Тумандаги "Дўстлик" МФЙ ҳудудидаги кўчаларга асфальт ётқизиш учун биринчи босқич ишлари бошлаб юборилди. Жумладан, бириктирилган ишчилар жамоаси Чавондоз кўчасида асфальтлаш ишларини олиб боришмоқда. Шунингдек, "Пастки-юз" МФЙ ҳудудидаги Боғишамол ва Марҳабо кўчаларида, "Алишеробод" МФЙ ҳудудидаги Жасорат-1 тор кўчасида ҳам пиёдалар ҳаракатланиш қисмларини таъмирлаш тадбирлари давом эттирилмоқда.

Бу каби амалий тадбирлар ортида тумандаги маҳаллаларнинг коммунал муаммолари ҳал этилиб, ҳаракат қисмлари янгиланмоқда. Натижада аҳолининг кўп йиллик қийинчиликлари барҳам топиб, маҳаллалар обод манзилларга айлантирилмоқда.

# ЖОРИЙ ЙИЛДА 7 ТА ЦЕМЕНТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАВОДИ ИШГА ТУШИРИЛДИ

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида ташкил этилган брифингда “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси ахборот хизмати раҳбари Жамшид Шерметов томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, республика бўйича 2022 йилда жами цемент ишлаб чиқариш ҳажми 15,2 миллион тоннани ташкил этган.**




Жорий йилда Андижон, Навоий, Наманган, Қашқадарё ва Фарғона вилоятларида йиллик қуввати 6,8 миллион тоннага тенг 7 та цемент ишлаб чиқариш заводи ишга туширилди.

Ҳозирги кунда республика бўйича цемент ишлаб чиқариш қувватлари 27,1 миллион тоннани ташкил этмоқда. Шунингдек, жорий йилда марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектлар қурилишига ўртача биржа котировка нархларида тўғридан-тўғри шартномалар бўйича 60 минг тонна цемент харид қилинган.



Ўтган 3 чоракда биржа савдоларида бир тонна портланд цемент ўртача 583 минг сўмдан сотилган. 2022 йилда 1,9 миллион тонна цемент импорт қилинган. Маълумот ўрнида таъкидлаш лозимки, 1-чоракда табиий газ танқислиги кузатилган ва ушбу даврда 1,8 миллион тонна цемент ишлаб чиқарилмаган.

2022-2023 йилларда цемент ишлаб чиқариш бўйича амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли рўйхатига кўра, Андижон вилоятида 2 та, Жиззах вилоятида 1 та, Қашқадарё вилоятида 1 та, Навоий вилоятида 1 та, Наманган вилоятида 2 та, Самарқандда 2 та, Тошкент вилоятида 1 та, Фарғона вилоятида эса 2 та янги цемент заводлари барпо этиш режалаштирилган, дея хабар қилади ЎзА мухбири Муҳайё Тошқораева.

Ҳозирги кунда саноат корхоналарида 5 миллион тоннадан ортиқ юқори маркали цемент ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

# САНОАТДА ЮРТИМИЗ ГАВҲАРИ БОШҚАЛАРГА ИБРАТ БЎЛЯПТИ

**Давлатимиз раҳбари Фарғонани юртимизнинг гавҳарига қиёслаганлари бежизга эмас. Вилоятда тадбиркорлар қўллаб-қувватлангани ҳамда замонавий лойиҳалар ишлаб чиқаришга кенг жалб қилингани туфайли иқтисодиёт барқарор ривожланиши баробарида, минглаб янги иш ўринлари яратилди, ишсизликнинг олди олиняпти. Ана шу саъй-ҳаракатлар ҳисобига ўзлаштирилаётган хорижий инвестициялар миқдори йилига 50 фоиз ўсди.**

Гап, вилоятдаги туман ва шаҳарларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида бораркан, яқинда жаҳоннинг энг нуфузли “S&P Global Rating” (АҚШ) халқаро рейтинг агентлиги томонидан вилоятнинг мустаҳкам молиявий индикаторлари ҳамда юқори иқтисодий салоҳияти учун “B+”, яъни “барқарор” даражасидаги кредит рейтингини берди.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда вилоятнинг барча ҳудудларида янгидан-янги лойиҳалар бўйича кўп қаватли уйлар қурилиб, фуқароларнинг эҳтиёжи қондирилиши баробарида замон талабига мос корхоналар ишга туширилялти. Биргина қурилиш материаллари саноати йўналишида юздан ортиқ инвестиция лойиҳалари ҳаётга татбиқ қилиниб, Ўзбекистон, Бешариқ туманлари ҳамда Қувасой шаҳри эндиликда маҳаллий хомашёдан турли хил материаллар тайёрлашга ихтисослашган асосий базага айланди. Бу борада Ўзбекистон туманидаги “Шўрсув” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудининг 60 гектар ер майдонида қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноат кластерини барпо қилиш учун “Шўрсув” кичик саноат зонаси ташкил этилгани мисол бўлади. Ҳозирги кунда ана шу кичик саноат зонасида гипсдан қурилиш материаллари тайёрловчи Германия давлатидаги “Кнауф” компаниясининг янги корхонаси фаолият бошлади. Унинг умумий лойиҳа қиймати 18,7 миллион евро бўлиб, йилига 17 миллион квадрат метр гипскартон листлари ҳамда 40 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмаларини ишлаб чиқариш қувватига мослашган.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида бу ерда тайёрланаётган қурилишбоп материаллар энг аввало, импорт ҳажмини қисқартиришга имкон бермоқда ва улар сифатлиги, чидамлиги жиҳатидан ҳам хорижникидан қолишмаётир. Бу, юртимизда ишбилармон ва тадбиркорларга яратиб берилаётган шароитлар туфайли эришилаётган натижанинг ёрқин мисолидир.

Саноат ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш бўйича вилоятда қилинаётган саъй-ҳаракатлар айниқса, таҳсинга лойиқдир. Хусусан, шу йилнинг ўтган ойларида, “Қўқон” эркин иқтисодий зонасида умумий қиймати 270,6 миллион АҚШ долларлик йигирмадан ортиқ лойиҳалар йўлга қўйилиб, унинг 82,1 миллион АҚШ доллари хорижий инвестициялар ҳамда 188,5 миллион АҚШ доллари маҳаллий инвесторларнинг маблағлари ҳисобига тўғри келди. Бу лойиҳалар учун ҳудуддан 41,8 гектар ер майдони ажратилиб, айни пайтда барчаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани натижасида 4 мингдан ортиқ киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Шунингдек, яна 12 та инвестиция буюртманомалари тайёрланиб, 12 гектар ер майдони электрон-онлайн аукцион савдоларига чиқарилган. Қолган 122 гектар ер майдони бўйича иқтисодий зона маблағлари ҳисобидан “ЎзшаҳарсозликЛИТИ” институти томонидан бош режа ишлаб чиқиляпти.

Йил бошидан вилоятда саноат соҳасини янада ривожлантиришга йўналтирилган истиқболли дастур ишлаб чиқилгани айни пайтда иқтисодий салоҳиятни барқарор юксалтириш ҳамда аҳолининг доимий бандлигини таъминлашга имкон бермоқда. Ана шу дастурга кўра, аҳоли зич яшаётган ҳудудлардан бири – Учкўприк туманида бир муддат аввал 15 гектар майдонда “Бобошбек” енгил саноат ва логистика маркази қурила бошланган эди. Қисқа даврда у бунёд этилиб, ҳозирда 316 та ишлаб чиқариш цехи, 336 та савдо дўконлари, 560 та савдо растаси жой олган ва яна 2 та логистика маркази ташкил этиляпти. Бу орқали ҳудуддаги Бобошбек, Бекмурод, Зиғир, Палохон ва Яккамулла сингари маҳаллаларда истиқомат қилаётган юзлаб ишбилармонлар учун қулайликлар яратилди. Дастлабки ҳисобларга қараганда, йилига 876 миллиард сўмлик турли хилдаги истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва 18 миллион долларлик экспортни шакллантириш мўлжалланяпти. Йил охиригача улар тўлиқ ишга тушса, 7 минг 700 нафардан ортиқ фуқаро доимий ишли бўлади.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, барча соҳаларда ишлаб чиқариш кенг шакллантирилгани натижасида ички бозорни тўла таъминлаш баробарида ўтган йили 756,3 миллион долларлик экспорт амалга оширилган ва бу 2020 йилга нисбатан 136 фоизга ўсган. Вилоят ҳудудларидаги экспортёрлар томонидан 60 та хорижий давлатга 150 дан зиёд турли хил маҳсулотлар экспорт қилиниб, шу йилнинг ўзида Гондурас, Кипр, Гонконг, Молдавия каби давлатлар ҳисобига Фарғонанинг маҳсулотларига талабгорлар сафи янада кенгайди.

**Ўз мухбиримиз.**

# САЙХУНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ ЖАЙҲУНЛИКЛАРГА ҚЎЛ КЕЛЯПТИ

**Қонликўл тумани асосан қишлоқ хўжалиги ва чорвачиликка ихтисослашгани учун аҳолининг кўпчилиги фақат дала меҳнати билан чамбарчас боғланиб, шундан бошқасини тасаввур ҳам қилолмас эди.**

Аксарият ёшлар ёзнинг жазирамаси ва қишнинг совуқ кунларига қарамасдан Нукус, Тахиатош сингари шаҳарларга бориб ишлаб келар, хотин-қизлар эса ўзларига мос иш йўқлиги боис уй-рўзғор юмушлари билан банд бўлиб қолишганди.

– Вақти келиб, туманимизда замонавий уй-жойлар, болалар боғчаси ва мактаблар, саноат тармоқларию, бошқа ишлаб чиқариш корхоналари бунёд этилиб, фуқаролар, айниқса, ёшлар ўз уйлари олдида ишлашларини хаёлимизга ҳам келтирмагандик. Бироқ борни-бор, дейиш керак. Бугунги кунда туманимиз таниб бўлмас даражада чирой очяпти, ҳудудни айланган киши ҳар куни бир янгиликнинг устидан чиқади. Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотларнинг натижасидир, – деди тумандаги Дўстлик маҳалласи фаолларидан бири Қувониш Юсупов.

Чиндан, кейинги даврда шу сингари миннатдорчилик фикрларни нафақат тумандагилардан, балки Оролбўйи минтақасида яшовчи ҳар бир фуқародан эшитиш мумкин. Бу – Президентимизнинг қорақалпоқ элига бўлган ҳурмати, қолаверса, ташаббуслари билан республикамиз вилоятлари Қорақалпоғистон Республикасидаги туман ва шаҳарларга бириктирилганининг самарасидир.

Давлат раҳбарининг ана шу ташаббуси туфайли сирдарёлик тадбиркорлар ҳам 2022–2024 йилларда Қонликўл туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш учун 549,9 млрд сўмлик истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилишган. Айни пайтда вилоят ишбилармонлари туманда ўз тажрибаларини кенг қўллаётгани натижасида ҳудудда бир қанча кичик корхоналар, ишлаб чиқариш цехлари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шулар баробарида асосий кўчалар ва ички йўллар таъмирланиб, одамлар учун қулай шароитлар яратилмоқда.

Бошланган ана шу ташаббусларнинг мантиқий давоми сифатида ҳududдаги Маданият маҳалласида ўзбек ва қорақалпоқ халқининг орзу-интилишларини ўзида мужассамлаштирган, қурилиш-архитектуравий жиҳатидан миллий-меъморий ечимга эга “Сайхун ва Жайҳун” маънавият-маърифат маркази қурилиб, фойдаланишга топширилди. Маълумки, обиҳаёт нафақат тирик жонзодлар учун, балки қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда ҳам жуда муҳим. Шу сабабли ҳар томчи сувнинг қадрига етиб, минглаб гектар ерларни ўзлаштирган ва кўп йиллардан буён юқори ҳосил олиш технологияларини пухта ўзлаштирган сирдарёликлар бу борада тўплаган тажрибаларини қўллаб, тумандаги ерларга ишлов беришни бошлаб юборишган. Ҳозиргача белгиланган 9 минг 700 гектар майдондан 5 минг гектари сифатли шудгорланди. Бу ишларни оби-тобига етказиш баробарида маҳаллий деҳқон ва фермерларга зироатчилик соҳасидаги тажрибалар ўргатилмоқда.

Янги иншоотлар қуришдан ташқари аҳолини йиллар давомида қийнаб келаётган муаммолар ҳам босқичма-босқич ҳал қилиняпти. Жумладан, ташаббус ижроси доирасида сирдарёликлар ёрдами билан тумандаги кўплаб ариқ ва зовурлар қазилди. Маданият, Дўстлик ҳамда Наврўз маҳаллаларидаги томорқа ер майдонларини сув билан таъминлаш мақсадида қуввати 15 кВт бўлган насос ҳамда 100 кВА қувватли трансформатор ўрнатиб берилди.

Вақтинчалик ишсиз мақомини олган ва кам таъминланган ҳамда дафтарлар рўйхатида турган кишиларга мотокультиватор ва бошқа даромадли ишлар билан шуғулланишлари учун техник воситалар, 10 минг туп мевали дарахт кўчатлари, умумий қиймати 45 миллион сўм бўлган парранда, 50 бош қорамол тарқатилиб, 100 дан зиёд хонадонларга иссиқхона қуриб берилди. 400 дан зиёд эҳтиёжманд оилаларга эса газ плита ҳамда электр печь, озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

– Оилавий шароитим оғирлиги туфайли “Аёллар дафтари” рўйхатига киритилгандим. Давлатимизга раҳмат, қийналиб қолган дамларимизда биз каби оилаларни ташлаб қўйгани йўқ, ҳар ойда маҳалламиз орқали турли хилдаги ёрдамлар олиб турибмиз. Уч ой аввал сирдарёлик қардошларимиз хонадонимизга иссиқхона қуриб, помидор ва бошқа экин кўчатларини ўзлари экиб беришди ҳамда ундан қандай қилиб юқори ҳосил етиштириш технологиясини ҳам ўргатишди, – деди Наврўз маҳалласида яшовчи Хонимхон Дўсчанова. – Ҳозирги кунда мана шу иссиқхона оиламизнинг даромад манбаига айланган, кунора пишиб етилган маҳсулотларни бозорга чиқаряпмиз. Муҳими, оиламиздан уч нафар киши доимий ишли бўлишди, бунинг учун сирдарёлик тадбиркорлардан миннатдормиз.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда олиб борилаётган манзилли ишлар натижасида нафақат туман ва шаҳарлар ободонлашмоқда, балки ҳар бир оила, хонадон аҳли фаровонлик, тўкин-сочинликни дилдан ҳис қилиб, ўзлари ҳам уларни барқарор ривожлантиришга ҳаракат қилишяпти.

**Ўз мухбиримиз.**

# Табиатни асраш инсоний бурчимиз

**Ёрқиной ТУХТАРОВА,**
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Олий журналистика курслари 2-босқич магистранти.

**Бугун кўчага чиқишимиз биланоқ кўзимиз қандайдир қурилишга тушиши шубҳасиз. Бу бир томондан кишини қувонтирса, иккинчи томондан сал ваҳимага солиши ҳам бор гап. Қувонарлиси, юртимизда бунёд этилаётган ҳар бир иморат мамлакатимиз тараққиётига қўшилаётган кичик бир ҳиссадир. Аммо, тан олиш керакки, ҳавонинг ифлосланишида қурилиш чиқиндиларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда.**

Тасаввур қилинг, уйимизда тўрт-та уста ишласа, қанчалик бесаранжом бўлиб, ҳамма жой чангга тўлади. Бу вазиятда бутун бошли шаҳар ёки мамлакатдаги қурилишларнинг атроф-муҳитга таъсирини тасаввур қилиш қийин эмас. шу боис, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори қабул қилинган бўлиб, унда қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга оширишда атроф-муҳит чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш чоралари кўрилиши зарурлиги таъкидланган. Шунингдек, қарорда қурилиш чиқиндиларини аҳоли пунктлари ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек, табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга зарар етказиш таҳдиди келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларга ташлаш ва кўмиш тақиқланади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда атмосфера ҳавосининг ифлосланиши кундан-кун долзарб муаммога айланиб бормоқда. Узоқ вақт давомида ёғингарчиликнинг йўқлиги, кучсиз шамоллар, ҳароратнинг инверсияси атмосфера ҳавосининг турғунлигига имкон беради. Бу эса ифлослантирувчи моддаларнинг тўпланиши учун шароит яратади. Хусусан, жорий йилнинг 15 октябрь куни ҳаво ҳароратида PM2,5 майда дисперсли заррачалар концентрацияси 62 мкг/м3 ни ташкил этгани кўплаб юртдошларимизда ваҳима уйғотгани рост. Буни бартараф этиш учун Ўзгидромет шаҳарда узоқ вақт давомида ёғингарчилик камлиги ва катта антропоген юк туфайли автомобиль йўлларига сув сепиш ва тозалаш, қурилиш объектларида чангни камайтириш чораларига, чиқиндиларни ўз вақтида йиғиш масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Шунингдек, Тошкент шаҳрида ҳаво сифатини яхшилаш мақсадида шаҳарни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш бўйича кўпроқ тадбирлар амалга оширилиши керак эканини маълум қилди.

Афсуски, бугунги кунда нафақат Тошкент, балки мамлакатимиздаги аҳоли зич яшайдиган манзилларнинг аксариятида айниқса, ёз ойлари ҳавода чанг миқдори кўпаяди. Кўплаб табиий омиллар қатори саноат корхоналари кўпайиши, автомобил сони кескин ошиб бориши ҳам атмосфера таркибидаги зарарли газ, чиқинди миқдори меъёрдан анча ошишига олиб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу вазиятни олдини олиш учун энг аввало, яшил майдонларни кўпайтиришга эътибор бериш лозим. Хорижий тажриба ўрганилганда кўкаламзорлаштириш ёрдамида ҳавони чангдан сезиларли даражада тозалаш мумкинлигига гувоҳ бўлганмиз. Давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасида 2021 – 2026 йиллар мобайнида 1 миллиард дарахт экиш режа қилинган. Жумладан, бу йил кузда 75 миллион, кейинги йил баҳорда 125 миллион туп кўчат ўтқазилади.

Умуман, ҳавони табиий равишда тозалайдиган ягона восита – яшил дарахтзорлар ҳисобланади. Фотосинтез жараёнида бир гектар ерда экилган дарахт ажратадиган кислород 200 киши бемалол нафас олиши учун етарли экан. Шу билан бирга, ўсимлик ҳар соатда 8 кг гача зарарли газни ютади. Бошқача айтганда, шаҳар ҳавоси нафас олиш учун энг қулай даражада сақланиб туриши учун ҳар бир одам бошига 50 квадрат метр яшил дарахтзор керак бўлар экан.

Ўтган йилнинг 4-5 ноябрь кунлари ҳам худди шундай ҳаво ифлосланиши ҳолати кузатилган эди. Шундан келиб чиқиб, бир неча давлат идораси, вазирлик ва ташкилот биргаликда қумли чанг-тўзоннинг олдини олиш ва вазиятни юмшатиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган миллий ҳаракатланиш дастури қабул қилинган. Ҳозирда 2022 – 2023 йиллар давомида қайси вазирлик нима иш қилиши кераклиги аниқ белгиланган мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш бўйича тегишли чоралар кўрилмоқда. Яшил макон дастури амалга оширилиши ҳам чанг-тўзонни бартараф этишга катта ёрдам беради. Зеро, ҳозирги кунда Ўзбекистонни яшил қоплама билан қамраб олган 8 фоиз ҳудудни айнан “Яшил макон” дастури доирасида 30 фоизга етказиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда атмосферанинг ифлосланиши, чанг-тўзон кўтарилишига қарши курашиш масаласида нафақат мутасадди ташкилотлар масъулиятни ошириши, балки ҳар бир фуқаро тегишли вазиятларга эътиборли бўлиши керак. Табиат ва экологияни асраш – инсоний бурчимиздир.

# Kitob insoniyatning eng buyuk ixtirosidir

**Dilnara SHAMAYEVA,**
Toshkent davlat yuridik universiteti Axborot-resurs markazi yetakchi mutaxassisi.

**Kitoblarning hayotimizdagi rolini ortiqcha baholash qiyin. Kitoblar bizning ichki dunyomizni boyitadi, turli davrlarga sho‘ng‘ish imkonini beradi. Kitoblardan biz turli odamlarning taqdiri haqida bilib olamiz, birovning tajribasidan nimanidir o‘rganamiz va ba’zan yangi yutuqlar uchun ilhomlanamiz. Bizning zamonamiz – yuqori texnologiyalar davrida hech qanday kuch sarflamasdan, internetdan foydalangan holda bizni qiziqtirgan har qanday ma’lumotni bir zumda olishimiz mumkin. Shunga qaramay, kitob hali ham eng yaxshi bilim manbai bo‘lib qolmoqda. Elektron kitoblarning qulayligi haqida qancha gapirilmasin, hech narsa “jonli” qog‘oz kitob va uning sahifalarining shitirlashi o‘rnini bosa olmaydi.**

Bugun jamiyatimizda kitobxonlikni rivojlantirish, ayniqsa, yoshlar o‘rtasida mutolaa madaniyatini rivojlantirishga davlat tomonidan alohida e’tibor berilib, ko‘plab samarali ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 13-sentabrdagi PQ-3271-sonli “Kitob mahsulotlarini nashr etish va tarqatish tizimini rivojlantirish, kitob mutolaasi va kitobxonlik madaniyatini oshirish hamda targ‘ib qilish bo‘yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi to‘g‘risida”gi va Vazirlar Mahkamasining “2020–2025-yillarda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirish va qo‘llab-quvvatlash milliy dasturini tasdiqlash to‘g‘risida”gi qarorlari asosida mamlakatimizda kitobxonlik madaniyatini rivojlantirishga qaratilgan bir qator tashkiliy-amaliy chora-tadbirlar olib borilishi jamiyatda kitobga bo‘lgan munosabatning ijobiy tomonga o‘zgarishiga zamin yaratdi.

Biz dunyoni kitoblarsiz tasavvur qila olmaymiz. Lekin har doim ham shunday bo‘lmagan. Odamlar hali yozish va o‘z fikrlarini yozma ravishda ifodalashni bilmagan paytlar ham bo‘lgan. Bir muncha vaqt og‘zaki afsonalar yagona ma’lumot manbai hisoblangan. Bilim va tajribani uzatish qadimgi davrlarda odamdan odamga va og‘izdan og‘izga o‘tkazish orqali amalga oshirilgan. Shu bois, ma’lumotlar ko‘pincha yo‘qolgan yoki tanib bo‘lmaydigan darajada buzilgan. Ushbu kamchilikdan xalos bo‘lish uchun odamlar moddiy asosda bilimlarni mustahkamlash yo‘llarini izlay boshlaydi. Buning uchun chizmachilik asarlaridan, so‘ngra yozishdan foydalanildi. Eng ilg‘or qadimiy sivilizatsiya sifatida oxir-oqibat yozuv ixtiro qilindi. Shu maqsadda yog‘och taxta, gil yoki mumli plitkalar, yumshoq metall choyshablardan keng foydalanilgan.

Masalan, qadimgi Misrda ma’lumotlar maxsus usulda kesilgan papirus varaqlariga yozilgan. Varaqlarga o‘ralgan papirusdagi eng qadimgi yozuvlar miloddan avvalgi III mingyillikka tegishli. Misr yozuvlarini tarixda ma’lum bo‘lgan birinchi kitoblar deb hisoblash mumkin. Pergamentga yozilgan birinchi qo‘lyozma kitoblar ancha keyin, yangi davr boshlanishidan oldin paydo bo‘ldi. Bunday kitoblarning varaqlari bir-biriga mahkamlanib, kichik hajmlarni tashkil etdi. O‘sha yillarda texnologiyani nusxalashni orzu qilish mumkin bo‘lganligi sababli, maxsus o‘qitilgan odamlar vijdonan birinchi kitoblarni qo‘l bilan nusxalashgan. Bir vaqtning o‘zida bir nechta ustalar bitta kitob ustida ishlashlari mumkin edi: biri pergament varaqlarini tayyorlagan, ikkinchisi ularga diqqat bilan yozilgan belgilar, uchinchisi rasmlar ustida ishlagan. Eng qizig‘i shundaki, mashhur faylasuflar, masalan, Sokrat ham bitta kitob yozmagan. Qoidaga ko‘ra, xizmatkorlar faylasuflar buyurganiga qarab, eshitganini yozishgan. Vaqt o‘tishi bilan kitob bilimlarni uzatuvchi vosita sifatida tobora ko‘proq ahamiyatga ega bo‘ldi.

Kitob bolalikdan bizning do‘stimizga aylanadi va butun hayotimiz davomida hamroh bo‘ladi. Har bir insonning hayotida kitobga qiziqish bolalik davrida, ota-onalarimiz uxlashdan oldin o‘qib bergan ertaklar orqali uyg‘onadi. Har bir kitobning o‘ziga xos vazifasi bor. Bolalikda o‘qigan kitoblarimizdagi ertaklar bizni ezgulikka undagan bo‘lsa, qahramonlar biz uchun namuna bo‘lgan. Bola yorqin suratlarga qarab, chiroyli kitoblardan yangi hikoya va ertaklarni kutadi. Qiziqish va bilim esa harflarni o‘rganishga undaydi. Biz o‘qishni, tushunishni va empatiya qilishni o‘rganamiz. O‘smirlik paytimizda kitoblar mavzusi o‘zgaradi. Oxiri yaxshilik bilan tugaydigan sodda ertaklar o‘rniga mumtoz fantastika asarlarini o‘qiy boshlaymiz. Kitob o‘qish orqali biz so‘z boyligimizni oshiramiz, ichki dunyomizni boyitamiz, tajriba orttiramiz.

Mubolag‘asiz aytish mumkinki, kitob insoniyatning eng buyuk ixtirosidir. Zamonaviy dunyoda kompyuter texnologiyalari an’anaviy qog‘oz kitoblarni siqib chiqarmoqda. Biroq, elektron kitobdan ko‘ra, haqiqiy kitob bilan muloqot qilish tarafdorlari ham yo‘q emas. Xonada yolg‘iz qolib, sahifalarni varaqlab, jimgina sevimli asarni o‘qish juda maroqli. Shunday emasmi?

ИСЛОҲОТЛАР АМАЛДА

# ШАФФОФЛИК ВА АНИҚЛИК МЕЗОНИ

**Акбар НИЁЗОВ,**
Навоий вилояти қурилиш бош бошқармаси бошлиғи.

**Давлатимиз раҳбари бошчилигидаги ташаббускорлик, қурилиш тизимини ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар соҳани янги босқичга олиб чиқилишга хизмат қилмоқда. Дарҳақиқат, турар жойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг замонавий архитектура қиёфасини шакллантирувчи шаҳарсозлик ҳужжатлари билан таъминлаш тараққиётнинг ўзига хос кўринишини ифодалайди. Навоий вилоятида ҳам бу борадаги ишларга катта эътибор қаратилиб, бир неча шаҳарлар ва шаҳар посёлкалари бош режалар билан таъминланди, қишлоқлар (овуллар) фуқаролар йиғинлари, ҳудудларни архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаларига эга бўлди.**



Маълумки, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021–2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони билан 2025 йилгача Ўзбекистоннинг барча шаҳарлари ва шаҳар посёлкаларининг 25 фоизи бош режалари билан тўлиқ тасдиқланиши керак.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 7 та шаҳар, 46 та шаҳар посёлкалар ва 307 та МФЙлар мавжуд бўлиб, 7 та шаҳарнинг барчаси, 46 та шаҳарчаларнинг 13 таси, 307 та МФЙларнинг 159 таси бош режалар билан таъминланишига эришилди. Таъкидлаш жоизки, аҳоли пунктларининг бош режаларни ишлаб чиқишда жамоатчилик иштирокини таъминлашга эътибор қаратилмоқда, аҳолининг таклиф-талаблари эътиборга олиняпти. Маҳалла бош режасининг долзарблиги, ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва шаҳарсозлик соҳасида тураржойлар ва ижтимоий-маиший объектлар қурилишини ривожлантириш ҳамда муҳандислик-коммуникация ва йўл транспорт инфратузилмаларини янгилашни ҳисобга олган ҳолда режалаштиришнинг сиёсий шартлари билан асосланади. 2023-2027 йилларга мўлжалланган шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг бош режасини тузиш бўйича вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида дастур шакллантирилди.

Жумладан, жорий йилда Нурота туманининг 3 та аҳоли пунктлари “Деҳбаланд”, “Авазсой”, “Орасой” маҳалла фуқаролар йиғинлари, Хатирчидаги “Боғишамол”, “Гулистон”, “Чечак-ота”, “Оқолтин”, “Олмазор”, “Фидокор”, “Бунёдкор”, Мирзо Улуғбек номидаги, “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларининг бош режа лойиҳаларини ҳамда ёндош маҳаллаларнинг шаҳарсозлик жиҳатидан ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш лойиҳалари бўйича манзилли рўйхат Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазири томонидан тасдиқланиб, белгиланган тартибда ҳудудлар бўйича шартномалар расмийлаштирилди. Ҳозирги кунда ҳудудларнинг бош режа ва батафсил режалаштириш лойиҳаларини ҳамда ёндош маҳаллаларнинг шаҳарсозлик жиҳатдан ривожлантириш схемасини ишлаб чиқиш бўйича “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ томонидан топосъемка ишлари амалга оширилган.

Йил сайин аҳоли сони ортиб бориши ҳисобига уй-жойга бўлган эҳтиёж доимий равишда ўсиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Замонавий ижтимоий объектлар ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаган ҳолда аҳоли фаровонлиги даражасини ошириш, арзон ва қулай уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар боис, шаҳарлар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг архитектура қиёфаси яхшиланмоқда.

Шу билан биргаликда замонавий бинолар, иншоотлар, кўп функцияли комплексларни барпо этишгагина эмас, балки аҳоли пунктларида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашувчи янги истироҳат боғлари, хиёбонлар, дам олиш зоналарини барпо этилишига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Навоий ва Зарафшон шаҳри ҳамда туманлардаги истироҳат боғларини таъмирлаш, кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, янгиларини барпо этиш ишларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Булардан ташқари, Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-32-сон Фармонига асосан жорий йилда Навоий вилоятидаги Кармана ва Қизилтепа туманларида “Янги Ўзбекистон” массивлари барпо этилиши белгиланди. Массивларда 620 та хонадонга мўлжалланган 26 та 5 қаватли уйлар ва барча зарур ижтимоий соҳа, инфратузилма объектлари маҳалла, аҳоли дам олиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари қурилиши белгиланди. Шунингдек, массивларда 5,5 километр ичимлик суви тармоғи ва 2 та сув иншооти, 1,8 километр оқова суви тармоғи ва 1 та оқова сув иншооти, 25,8 километр электр, 3,5 километр табиий газ ҳамда 4,8 километр алоқа тармоқлари қурилиши кўзда тутилган.

Мазкур тармоқлар қурилиши вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси, “Ҳудудгаз-Навоий” ГТФ, “Навоий ҲЕТК” АЖ томонидан амалга оширилмоқда. “Қишлоққурилишлойиҳа” МЧЖ Навоий вилояти филиали томонидан массивларни қуриш лойиҳалари ишлаб чиқилган. 2 та массив ҳудудидаги 5 та ижтимоий соҳа объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмачилигида ишлаб чиқилиб, экспертиза хулосалари олинган ва тендер савдолари орқали пудрат ташкилотлари томонидан қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Уй-жойлар сифати, уларнинг қурилиш муддати, меъёрий ҳужжатлар ва хавфсизлик талаблари юзасидан Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ишларнинг сифатли бажарилиши бўйича доимий текширувлар олиб боряпти.

Бир сўз билан айтганда, қурилиш соҳаси катта янгиланишлар майдонига айланган.

# ҚУРИЛИШДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қурилиш-реконструкция тартиботининг аниқ қонун-қоидаси борми? Албатта, ҳаётимизнинг ҳар жабҳаси қонун билан кафолатланганидек, қурилиш ишлари ҳам маълум қоидалар асосида юритилади. Бухоро вилояти Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси ходимлари ҳам ҳудудда реконструкция жараёнларининг қонуний амалга оширилишида жонбозлик кўрсатишмоқда.**

Бухоро вилоятининг Вобкент туманида 103 та қурилиш объекти рўйхатга олинган бўлиб, қурилишлар бир пайтда давлат буюртмаси асосида, шунингдек, хусусий қурувчи корхоналар томонидан амалга оширилмоқда. Туманнинг “Дўстлик” МФЙ Аҳмад Дониш кўчасида “ХКМК”-201 МЧЖ ва “Buxoro trans exsport import” МЧЖ томонидан қурилаётган 2 та 5 қаватли 1 йўлакли 20 хонадонли турар жой бинолари қурилди. Бундан ташқари, “Обод қишлоқ” дастури доирасида “Ниёзхўжа” ва “Хайрабод” маҳаллаларида 2 та 500 куб сиғимли ҳовуз ва 10 километрдан ортиқ келтирувчи ва тарқатувчи сув тармоқлари қурилмоқда. Қурилиш соҳаси мутахассислари томонидан мазкур ҳаракатларнинг тегишли қоидалар асосида юритилиши таъминланмоқда.

– Реконструкция бошлангунга қадар бир қанча босқичли қонунийлаштириш ишлари бажарилади, – деди Бухоро вилояти қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси етакчи мутахассиси Неъмат Холов. – Жумладан, белгиланган тартибга кўра, буюртмачининг буюртмасига асосан лойиҳа-смета ҳужжати ишлаб чиқилиб, экспертизадан ўтказилгандан сўнг объект қурилишини бошлашга рухсат олиш учун Давлат хизматлари марказига электрон ариза билан мурожаат қилади. ДХА Қурилиш-монтаж ишларини бошлаш тўғрисида хабарномани ҳудудий инспекцияга юборади. Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси қурилиш объекти бўйича қурилиш ишлари назоратини олиб бориш учун шартномани тайёрлайди 10 дақиқада ДХАга оммавий офертани расмийлаштириб ўз инвойиси орқали юборади. Объект тўғрисида маълумотларни, буюртмачининг техник назоратчиси, лойиҳачи ташкилотининг муаллифлик назоратчиси, пудрат ташкилоти вакиллари тўғрисида электрон “Шаффоф қурилиш” тизимга киритади. Объект бўйича буюртмачининг техник назорати, лойиҳачининг муаллифлик назорати ва пудратчининг ички назорат ходимларига ахборот тизимида шахсий кабинетларини рўйхатдан ўтказади. Хабарнома келиб тушгандан ҳамда инвойс расмийлаштирилгандан сўнг қурилиш объекти топшириғини шакллантириш учун ҳудудий инспекция раҳбарига юборади. Қурилиш объектига инспекция раҳбарининг буйруғи тасдиқланади ва қурилишни назорат қилиш учун инспектор бириктирилади.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда Вобкент туманидаги қурилиш ишларининг бориши изчил ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланмоқда. Хусусан, туманнинг “Найман” ва “Катаган” МФЙ ҳудудларининг ҳар бирига 9 километрга яқин келтирувчи ва тарқатувчи сув тармоқлари тортилмоқда. Инспекция ходими томонидан бориб қурилиш объектида сифат назорати ўтказилганда сифатсиз темир-бетон қудуқлардан фойдаланилганлиги аниқланди. Ушбу сифатсиз қурилиш материалларини ишлаб чиқарган корхоналарга Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 99-модда 3-қисми билан жарима ва тақдимномалар берилди. Инспекция томонидан “Orta Osiyo suv qurilish” МЧЖ пудрат ташкилотига “Қурилишда давлат назорати” миллий ахборот тизими орқали ёзма кўрсатмалар ва тақдимномалар берилди. Аниқланган камчиликларнинг олди олинишига ва мавжудларининг бартараф этилишига эришилиб келинмоқда.

Қонун устуворлиги таъминланган жамиятда соҳалар аниқ қоидалар асосида тартибга солинади. Ўлкамизда қурилиш-реконструкция ишлари ҳам мавжуд қонун ҳужжатларига риоя этилган ҳолда амалга оширилмоқда. Ушбу ҳолатда бино-иншоотларнинг сифат даражаси таъминланиб, уй-жойга эҳтиёжманд аҳоли учун шинам турар жой бинолари қуриб битказилмоқда.

# ЭНЕРГИЯТЕЖАМКОР БИРИНЧИ УЙ ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИМИ?

**Райҳона ХЎЖАЕВА,**
**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбирлари.

**Сўнгги кунларда деярли энергия сарфламайдиган илк намунавий уй ҳақидаги хабар кўпгина шов-шувларга сабаб бўлгани рост. Бу хабар оддий аҳолидан тортиб, соҳа мутахассисларини ҳам бирдек қизиқтириб, кўплаб саволларни пайдо қилди. Нурафшон шаҳрида қурилган кўргазма уйга ташкил қилинган пресс-турда ҳам лойиҳа раҳбарлари уй қурилиши ва унда ишлатилган энергиятежамкор янги технологиялар ҳақида кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.**

Ҳақиқатан ҳам, бундай уйларда деярли энергия сарфланмайдими? Бу жараён қандай амалга оширилади?

Ўзбекистонда деярли нолга тенг энергия сарфлайдиган биринчи кўргазмали уй Тошкент вилоятининг Нурафшон шаҳридаги Ёшлик маҳалласида қурилди. Ушбу намунавий уй БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан Глобал атроф-муҳит фонди (ГЕФ) молиявий кўмагида амалга оширилаётган “Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ уй-жой қурилишини ривожлантириш” қўшма лойиҳаси доирасида қурилган.

Бугун бутун дунёда энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ишлаб чиқиш ҳамда улардан маиший ва саноатда фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўйича жадал чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан фақат қуёш энергияси ҳисобига электр энергияси ишлаб чиқариш улушини 2030 йилга келиб 8,8 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Мазкур уй қурилишида ишлатилган технологиялар илк маротаба қўлланилганлиги сабабли, бирламчи илмий синовдан ўтказиш учун Ўзбекистон Қурилиш вазирлигига расман топширилди. Синов натижаларига қараб, бундай энергиятежамкор уйлар юртимизда яна кўплаб қурилиши режалаштирилган.

Бу илк намунавий хонадон қандай қурилгани, бошқа уйлардан фарқи, уни қуришда қандай қурилиш материалларидан фойдаланилгани ҳақида мутахассислар нима дейди?

**Шукрулло ЖАҲОНГИРОВ,**
қурилиш вазири ўринбосари:

– Лойиҳага асосан, ушбу энергиятежамкор уй шу йилнинг сентябрь ойида қуриб битказилди. Реконструкция ишлари якунлангач, қувват сарфи ва турар жойнинг қанчалик фойдалилигини ўлчаб кўриш имкониятига эга бўлдик. Ҳозирги кунда жорий тартибдаги уй нафақат ўз-ўзини қоплаш, балки электр энергиясини тармоққа сотиш имконини беради. Дастлабки текширувларга кўра, уникал уйимиз ҳар ойда давлатга бир миллион сўм қийматидаги қўшимча электр энергиясини етказиб бериш имкониятига эга. Бундан ташқари, лойиҳадан ўрганса бўладиган кўплаб жиҳатлар бор. Хусусан, энергиятежамкор девор қопламалар, ойна ромларига ишлатилган материал моделлари, мавжуд ҳавони ичкарига иссиқ ҳавога айлантирган ҳолда етказиб бериш шулар жумласидандир. Электр токи қуёш панелларидан олинса, бевосита қўшимча унсурлар ёрдамида сувни ёз пайти совитиш, қиш пайти иситиш мумкин бўлади. Бу жараён уй ҳароратини бошқаришга ҳам имкон беради.



**Шерзод КАТТАХЎЖАЕВ,**
Ўзбекистонда Бирлашган Миллатлар Ташкилотини ривожлантириш дастури, “Менинг биринчи уйим” янги ипотека дастури лойиҳа раҳбари:

– Бу уй ўзига хос хусусиятларга эга. Энг асосий хусусияти, энергиятежамкорлиги ҳисобланади. Уни қурилишида асосан янги технологиялардан фойдаланилган. Уй томига энг замонавий қуёш батареялари ўрнатилган бўлиб, у тўрт сотих жойга қурилган. Саккиз нафар оила аъзоси яшашга мўлжалланган. Бундан ташқари, технологик ускуналар ҳам изоляция қилинган ва сув иситгичлари ҳам ўрнатилган. Деворлари 10 мм изоляция пенаблокдан қурилган ва пол қисми 15 мм изоляция қилинган. Булар ҳам иссиқ ва совуқ ўтказмаслик хусусиятига эга. Демак бу уйни мақсади, ташқаридан иссиқ ёки совуқни ўтказмаслик. Уй ўзини-ўзи таъминлашга мўлжалланган. Ташқаридан ҳавони махсус ускуна орқали тортиб олади. Яъни, изоляцион материаллар қўлланилгани боис, ичида ҳарорат алмашинувчи натижасида ташқаридан совуқ ёки иссиқ ҳаво кириб келмайди. Бу дегани, уй беркитиб қўйилганда ҳам ички температурасини ўзгаришсиз сақлаб қолади. Қуёш панеллари 16 кВт электр энергияси ташқи сетдан мустақил равишда қувват сарфлайди. Шунингдек, зарурий энергиядан ортиқча қувватни бевосита батареяларда сақлаб қолади. Аккумулятор батареялар ёрдамида махсус насослар орқали ташқаридан иссиқликни тортиб, ичкарига ҳайдаб беради ва сувни тўрт баробар ортиқ иситади. Бу деярли нолга тенг энергиятежамкор уй ҳисобланади.



Энг аҳамиятли томони ортиқча электр энергияни бевосита сетга узатиш ҳам мумкин. Статистикага кўра, ёз паллалари истеъмолдан 4 баробар кўп электр энергияси ишлаб чиқаради. Қиш пайтлари бу нормаллашади. Шунингдек, ёз паллалар ишлаб чиқарадиган электр энергиясидан йиллик 4 минг кВт қувватни электр тармоғига етказиб бериш мумкин. Лойиҳа нархи 150 минг долларни ташкил этади. Керакли технологияларнинг четдан олиб келинганлиги ҳисобига нархлар бироз юқори бўлади. Кейинчалик ўзимизда мазкур материаллар ишлаб чиқарилиши билан уйнинг таннархи тушиши мумкин. Уй учун ишлатилган қуёш панелларини Хитой республикасидан олиб келганмиз. Бунда сотувчи компанияга мазкур панелларни ўрнатиш ва жойлаштириш каби вазифалар юклатилган. Аккумулятор батареялари эса ўзимизнинг ишлаб чиқарувчилардан харид қилинган. Албатта, ҳозирги кунда давлат уй-жойларнинг ҳар хил тарифлари учун субсидиялар беряпти, айта оламанки, агар мавжуд субсидиялар бу каби уйларга ҳам ажратилса давлат бундан манфаатдор бўлади. Электр энергияси сарфи кескин камаяди.

**Нодирбек БЎРИЕВ,**
БМТ Тараққиёт дастурининг иккинчи компонент лойиҳа раҳбари:

– “Халқ меъмори” масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа асосида қурилган уйнинг иккинчи компонент реконструкциясида бевосита иштирок этдим. Айтиш керакки, бу уй ҳозирча намунавий турар жой сифатида эмас, индивидуал қурилиш шаклида қабул қилинган. Агар кейинчалик ўзини оқласа, лойиҳа умумқурилиш учун тарқатилиши мумкин. Бизнинг талаблар бўйича 2 қават 6 хона 164 квадрат метрдан иборат уй намунаси тўлиқ битказилган. Биламизки, умумий энергия ҳажмининг 40 фоизи биноларга тўғри келади. Келажакда одамлар ушбу қуёш панелларидан фойдаланишини тарғиб қилмоқчимиз. Ҳозирда уйнинг тақдимиоти ўтказилди. Яқин бир йил давомида турар жой бўйича мониторинг ишларини олиб борамиз. Энергия сарфи нолга тенг бўладиган бўлса, бутун республика бўйича кенг тарғиб қилишга асос бўлади. Айтиш керакки, бу каби уй-жойларга халқаро молия институтлари ҳам маблағ ажратишга тайёр, чунки иссиқхона газларининг тарқалишининг олдини олиш, шунингдек, атроф-муҳитнинг ифлосланишини бартараф этишда яшил энергиянинг ўрни катта. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, бу лойиҳа электр энергияси сарфи бўйича ўзини тўла оқлайди. Қўшма лойиҳа БМТ, Глобал экологик фонд ва Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, мулк ҳуқуқи тақдимот давомида Қурилиш вазирлигига топширилади. Кейинчалик мониторинг ишлари якунлангач уй учун мақбул сертификат тақдим этилади.

БМТ Тараққиёт дастури, Глобал экологик фонд ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг “Ўзбекистонда энергия самарадор қишлоқ уй-жойлари қурилишини ривожлантиришга кўмаклашиш” қўшма лойиҳаси 2017 йилдан буён амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг асосий мақсади – Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини атроф-муҳитга зарар келтирмайдиган яхшиланган ва арзон турмуш шароитлари билан таъминлашдан иборат. Лойиҳанинг муҳим ютуғи 24 турдаги энергия самарадор уй-жойлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши бўлди. Бу эса республика бўйлаб энергия самарадор ва кам углеродли уй-жойларнинг оммавий қурилишига туртки бўлди. Бундан ташқари, аввалроқ лойиҳа доирасида 1 358 та энергия самарадор, кам углеродли уй ва квартиралар қуришда молиявий ҳамда техник ёрдам кўрсатилган.

Юқорида таъкидланганидек, қуёш электр энергиясидан фойдаланиш натижасида аҳоли томонидан тармоқ электр энергиясининг сарфи сезиларли камаяди. Маълумотларга кўра, қуёш панелларининг яроқлилик муддати 25 йилгача чидамли бўлиб, хизмат муддатининг узунлиги халқимиз учун қўшимча моддий рағбат бўлиши мумкин.

Шунингдек, бу каби уйлар келгусида кўплаб барпо этилиб, асосан, эҳтиёжманд аҳоли учун ипотека кредити ҳамда субсидия асосида берилиши кўзда тутилмоқда. Лойиҳанинг “Менинг биринчи уйим” деб номланишининг сабаби ҳам аслида шу – уй-жойга муҳтож аҳоли эҳтиёжини қондириш, уларга шинам ва камхарж хонадонларда яшаш имкониятини тақдим этишдир.

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№96-97 (649-650) 2022 йил 8 декабрь

# ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДА УЛКАН ОДИМ

**Ислом ИБОДУЛЛА,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Электр инсоният тараққиётининг энг буюк кашфиётларидан бири бўлиб, жамият салоҳияти ва ривожланишининг тамал унсуридир. Сўнгги йилларда ўлкамизда энергетика соҳасида изчил ислоҳотлар амалга оширилиб, мавжуд энергия ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтиришга урғу берилмоқда. Келажакда Қуйи-Чотқол гидроэлектр станцияси ҳам миллий энергетика соҳасининг ажралмас қисмига айланади.**

Шу кунларда Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 январдаги “Чотқол дарёсида Қуйи-Чотқол ГЭС қурилиши” инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги Чотқол дарёсининг белгиланган ҳудудида қурилиш ишлари давом эттирилмоқда. “Гидропроект” АЖ лойиҳасига асосан барпо этилаётган станцияда ҳар бирининг қуввати 22,5 МВт бўлган 4 та гидроагрегатни ўрнатиш мўлжалланган. Гидротехник иншоотнинг ўрнатилган қуввати 90 МВт бўлиб, йиллик ўртача электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми деярли 300 миллион киловатт-соатга тенг.

Шу билан бирга, Қуйи-Чотқол ГЭС иссиқлик электр станцияларига нисбатан бир қанча афзалликларга эгалиги билан аҳамиятли. Ҳар йили 91 283,4 минг $м^3$ табиий газни иқтисод қилади, экологик тоза электр энергиясини ишлаб чиқаради. Атмосферага зарарли чиқиндилар чиқиши қисқаради, ишлаб чиқарилаётган электр энергия таннархи иссиқлик электр станциялари томонидан ишлаб чиқариладиган электр энергия нархидан 8-10 баробар арзон бўлади. ГЭС ва унинг асбоб-ускуналарини эксплуатация қилишнинг техник муддати нисбатан узоқ бўлиб, иссиқлик электр станциялардан икки баробар кўпроқ муддатга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда электр энергиясини ишлаб чиқаришда ГЭСларнинг иштироки йилдан йилга ошиб бормоқда ва бугунги кунда уларнинг улуши 15 фоизни ташкил қилмоқда. Қуйи-Чотқол ГЭС лойиҳасини амалга ошириш Ўзбекистон гидроэлектр станцияларининг ишлаб чиқариш қувватини 90 МВт га ошириш, шунингдек, электр энергияси ишлаб чиқаришни йилига 300 миллион кВт/соатга ошириш имконини бериб, бутун тизимнинг ишончлилигини сезиларли даражада оширади. Тўсишнинг асосий вазифаси – асосий иншоотларда кейинги қурилиш ишларини бажариш учун дарёнинг участкасини қуритиш. Дарё ўзанини тўсиш қийин жараён бўлиб, унда оқаётган сувга тош ташланади ва тош банкет шаклида қирғоқдан қирғоққача дарёда тўсиқ ҳосил қилинади. Кейин, дарё бўйлаб оқадиган сув тўсиқ олдидаги гидротехник туннелга киради ва қуйи оқимга қуйилади. Иншоот гидрологик режимга таъсир қилмайди ва гидробиологик объектларга зарар етказмайди ҳамда атроф-муҳит ва табиат ўзгаришига таъсир кўрсатмайди. ГЭС объектига олиб борувчи ҳамда қурилиш ишлари учун муҳим бўлган автотранспорт йўллари барпо этилди.

Қуйи-Чотқол гидроэлектр станциясининг ишчи ҳужжатларини ишлаб чиқишда дарёнинг қаттиқ оқими тўғрисида қўшимча маълумотлар олиниб, шу қаторда сув омборининг ҳажмидан самарали фойдаланиш ва мавжуд объектнинг ҳаётийлигига таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинганидан сўнг қаттиқ оқимларни ўтказиш учун галереяларни ювиш мосламаси ўрнатилди. Асосий иншоотларнинг схемасини қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинди. ГЭС фаолияти учун зарурий ҳисобланган очиқ тақсимлаш қурилмаси майдонининг ер ишлари тугалланиб, тайёр ҳолатга келтирилди. Шунингдек, ГЭС қурилиш объектида сувни олиб ўтишга мўлжалланган қувур қурилиши муваффақиятли якунланди. Бундан кўзланган мақсад – ГЭС тўғони қурилиши ишларини бошлаш, келгуси эксплуатация жараёнларида ҳам қувур орқали сувнинг йўналишини вақтинча бошқа томондан йўналтириб туришга зарурий шароитни яратишдир. Объектни 2021-2025 йилларда қуриб, эксплуатацияга топшириш режалаштирилган. Қайд этилган кўрсаткич, мазкур ГЭС қуввати келажакда ўртача 125 минг хонадонни электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилади.



Объектнинг Қуйи-Чотқол дарёсида қурилиши режалаштирилганига бир қанча сабаблар бор. Жумладан, мамлакатимиздаги энг йирик сув омбори ҳисобланган Чорвоқ сув омборининг ўртача 65 фоиз гидроресурслари айнан Чотқол дарёсидан оқиб келаётган сувлар ҳисобига шаклланади. Ўзандан йилига 4-4,5 миллиард м3 сув оқиб ўтади. Янги қурилаётган ГЭС йил давомида 11 ой ишлаш имкониятига эга. Мазкур объект қурилишининг муҳим босқичи ҳисобланган – сувни айланиб олиб ўтувчи мураккаб туннель қурилиши якунланди. Бундан кўзланган асосий мақсад Қуйи-Чотқол дарёси табиий оқимини туннель орқали ўтказган ҳолда, ГЭС тўғони қурилишини бошлаш ҳамда келгусида эксплуатация жараёнларида ҳам туннель орқали сув йўналишини бошқа томонга йўналтириш имкониятини яратиш ҳисобланади. Эътиборли жиҳати, қурилиш ишлари доирасида Республикада биринчи марта махсус бетон қоришмаларидан фойдаланилади ҳамда мамлакатимиздаги илк бетон типидаги мустаҳкам тўғон бўлади. Натижада, мазкур тўғонда қуриладиган ГЭС кун давомида электр энергиясига талаб кескин ошган даврда яъни ростловчи қувватларда электр энергияни ишлаб чиқариш имконини беради.

Лойиҳа доирасидаги асосий тўғоннинг техник ечимлари мураккаблиги, геологик жиҳатдан оғирлигини инобатга олиб, лойиҳалаштириш ишларига Туркиянинг “Долсар инжиринг”, Эроннинг “У сув алан” ва бошқа шу каби жаҳон миқёсидаги компания мутахассислари жалб этилмоқда. Асосий лойиҳа ишлари эса, жамият тизимидаги “Гидропроект” АЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Ушбу қурилиш ишларида 3 мингдан зиёд ишчи-қурувчилар жалб этилган. Ҳозирда ҳудуддаги табиат инжиқларига қарамасдан қурилиш ишлари икки сменада жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳа якунига етказилиб, фойдаланишга топширилгандан сўнг, 120 нафардан ортиқ маҳаллий ёш мутахассислар доимий иш ўринлари билан таъминланади.

# ҲУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

### Тошкент шаҳри

## Автотураргоҳ ўрнига янги бино барпо этилади

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири

**Тошкент шаҳрининг марказий кўчаларидан бири – Матбуотчилар кўчасида жойлашган “Пойтахт” савдо маркази ёнидаги автотураргоҳ ҳудуди Чехиянинг “IMP NEWPAY” қурилиш компаниясига ўтказилган эди.**

Ушбу майдонда 9 қаватли савдо биноси қурилиши режа қилиниб, ишлар амалий татбиқ қилинмоқда. Маълум қилинишича, ҳудуд мазкур қурилиш учун Тошкент шаҳар ҳокимининг 2019 йил 28 мартдаги 467-сонли қарори асосида, 25 млн АҚШ долларидан кам бўлмаган инвестиция киритиш шарти билан компанияга ажратиб берилган.

Автотураргоҳ ўрнига қурилаётган янги бинонинг 1-2-3-қаватлари савдо дўконлари, юқори қаватлари офислардан иборат бўлади. Бино яқинидаги шароитлар кишиларни ўзига жалб қилмай қолмайди. Матбуотчилар кўчасининг ёнгинасида жойлашган хиёбон майдони ва ҳудудга яқин жойда жойлашган Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театри кишилар айланиши учун кўнгилочар жой вазифасини ўтайди. “Пойтахт” савдо маркази эса савдо ишларини амалга оширишда аҳолига қулайлик яратади.

### Қорақалпоғистон Республикаси

## Бунёдкорликлар янада жадаллашяпти

**Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қорақалпоғистон Республикасининг шаҳар ва туманларида ҳам йўл қурилиши, коммуникация тармоқлари, ободонлаштириш, турар жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича ва уларни фойдаланишга топшириш бўйича ишлар жадал амалга оширилмоқда.**

Шунинг натижасида яқинда 10 дан зиёд қурилиш объектлари фойдаланишга топширилди. Жумладан, Тахиатош туманида давлат хизматлари маркази, Қонликўлда туман давлат архиви биноси, Қораўзак туманида Ёшлар ишлари маркази, 15-сон болалар боғчаси, Мўйноқ, Қўнғирот, Хўжайли, Амударё туманларида бир қатор маҳалла ва овул фуқаролар йиғинлари учун янги бинолари фойдаланишга топширилди.

Қувонарлиси, фойдаланишга топширилган барча объектларда ходимлар учун замон талабидаги қулайликлар яратилган. Шунингдек, яқин кунларда Кегайли туманидаги “Эшон қалъа” ОФЙ, Нукус шаҳрида “Жеке терек”, “Гузар”, “Дарбент” маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар ва бошқа кўплаб қурилиш объектлари ҳам фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

## Қораўзакда “Наманган кунлари”

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Наманган вилояти тадбиркорлари Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзак туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастурларни амалга оширишда фаол қатнашишмоқда. Жорий йилда улар мазкур ҳудудда 145 миллиард сўмлик 9 та лойиҳани ишга туширишди.**

Масалан, қишлоқ хўжалиги соҳасида 2022-2024 йилларда 10 148 гектар майдонда деҳқончилик қилиш учун шароит яратиш режалаштирилган. 1 964 гектар майдондаги 3 та чорвачилик, биттадан боғ-узумчилик, қизилмия етиштириш ва сабзавот-полизчилик йўналишларидаги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Сув таъминотини яхшилаш учун янги қудуқлар кавланиб, насос станцияси қурилмоқда.

Яқинда вилоят вакилларидан бир гуруҳи Қораўзакда бўлди. Улар туманда ташкил этилган “Наманган кунлари”да қатнашишди ва маҳаллий аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, бунёдкорлик ишлари билан танишишди. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди, янги режалар тузилди. Якунланган бир қатор лойиҳаларнинг тақдимоти ҳам ўтказилди.

“Наманган-Қораўзак текстиль” МЧЖга қарашли тўқимачилик корхонаси тез орада туман иқтисодиётини ривожлантиришга ҳисса қўша бошлайди. Замонавий, унумдорлиги юқори дастгоҳлар билан жиҳозланган ишлаб чиқаришда уч юз нафар йигит-қизлар меҳнат қилади. Тайёрланган маҳсулотни ички бозордан ташқари хорижий давлатларга йўналтириш режалари ҳам бор.

– Бундай корхоналардан яна бир нечтаси қурилади, – деди Наманган вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Толибжон Юсупов. – Албатта, уларда ишлаш учун юқори малакали кадрлар зарур. Бунинг учун қораўзаклик ёшлардан минг нафардан зиёдини Наманганга таклиф этяпмиз. Улар ҳамкасбларидан ҳунар ўрганиб, малака оширишади.

“Наманган кунлари” доирасида яна бир хайрли иш бошланди. Қурувчилар бу ерда янги мактабгача таълим ташкилоти биносига тамал тошини қўйишди. Замонавий шароитларга эга бўлган жажжилар маскани 50 ўринли бўлиб, келгуси йили фойдаланишга топширилади. Бунинг учун 4,5 миллиард сўм маблағ йўналтирилади.

### Қашқадарё вилояти

## Замонавий кўприк элга хизмат қилади

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Қарши шаҳри темир йўл бекатига кириш автомобиль йўлининг 1 километрида жойлашган кўприкни таъмирлаш шу йилнинг июль ойида бошланган эди.**

Вилоят автомобиль йўллари бошқармаси назорати остида Қашқадарё кўприклардан фойдаланиш унитар корхонаси томонидан узунлиги 30 пм, габрити 24,7 метр ва лойиҳавий қиймати 5,3 млрд сўм бўлган замонавий кўприк қуриб битказилди. Бош Қомусимиз қабул қилинган кун арафасида фойдаланишга топширилган ушбу иншоотнинг очилиш маросимида мутасадди ташкилотларнинг вакиллари иштирок этишди.

## Фермер ун заводи қуряпти

**Қамаши туманнинг Жонбўзсой маҳалласи ҳудудидаги “Бўритош ая” фермер хўжалиги таркибида иш бошлайдиган ушбу ун ишлаб чиқариш корхонасининг лойиҳа қиймати 260 минг АҚШ долларини ташкил этади.**

Завод технологияси Туркиядан олиб келинди ва ҳозирда уни ўрнатиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур завод ишга тушгач кунига 90 тоннагача буғдойни қайта ишлаш салоҳиятига эга бўлади.

## Энди маҳалланинг ўз биноси бор

**Қарши шаҳридаги “Чўлқувар” маҳалла фуқаролар йиғини учун барча шароитларга эга янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Қайд этиш жоизки, мазкур маҳалла илгари ўз биносига эга бўлмаган. Янги бино барча зарур жиҳозлар билан таъминланган. Маълумот учун, жорий йил ҳисобидан Ғафур Ғулом номидаги, “Эски анҳор”, “Мустақиллик” ва “Кунчиқар” МФЙлари ҳам ўзининг янги биносига эга бўлди.

## Касбида йирик корхона иш бошлайди

**Кейинги йилларда вилоятда тўқимачилик саноати йўналишида, юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқарувчи замонавий тўқимачилик лойиҳалари ташкил этилмоқда.**

Касби туманида ҳам ана шундай экспортга ихтисослашган йирик корхонанинг ишга туширилиши режалаштирилган. Бу лойиҳа “Rimpex Polimer” МЧЖ томонидан амалга оширилиб, пахта ва сунъий толадан аралаш ип ишлаб чиқариш ҳамда тўқимачилик чиқиндиларини қайта ишлаш фаолиятини ташкил этишга йўналтирилган бўлиб, умумий қиймати 24,1 млн еврони ташкил этади.

Лойиҳа ишга тушгач йилига ўртача 8 000 тонна тайёр маҳсулот етказиб бериш орқали 14,0 млн АҚШ доллари миқдорида фойда олиш мумкин. Шунингдек, 500 нафар фуқаро иш билан банд бўлади. Ҳозирда қурилиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда.

### Тошкент вилояти

## Металлургия ривожи

**Эркин ҲОЖИМУҲАММАД,**
“O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Бекободдаги “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖ мустақиллик йилларида ривожланиб, йилдан йилга ўз қувватини ошириб келмоқда. Жорий йилнинг 5 мартида комбинат ишга тушганига 78 йил тўлди.**

